УзССР Давлат китоб палатаси
22 МАЙ 1991

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 93 (20. 960) 1991 йил 17 май, жума ● Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

«Совет Ўзбекистони», ТАСС, ЎзТАГ ва рўзномамиз жамоатчи мухбирлари хабар берадилар:

О. С. ШЕНИННИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИШИ

Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг котиби О. С. Шенин 16 май куни Тошкентдаги «Малика» ва «Зенит» ишлаб чиқариш бирлашмаларида бўлди.

У ишлаб чиқаришни кўздан кечирди, ишчилар, хизматчилар, инженер-техник ходимлар билан суҳбатлашди. Партия Марказий Комитетининг котиби уларнинг меҳнат ва маиший шароитлари, меҳнат интизомининг аҳволи билан қизиқди. Бозор иқтисодиётига ўтиш масалалари ўртага қўйилди. Меҳнаткашларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш учун кўриш зарур бўлган оператив тадбирларнинг аҳамияти алоҳида таъкидланди. О. С. Шенин корхоналар ишчилари, инженер-техник ходимларининг саволларига жавоб қайтарди.

Меҳнаткашлар жамоалари билан учрашувларда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, республика Президенти И. А. Каримов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби А. С. Ефимов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи котиби А. И. Фозилбеков иштирок этдилар.

О. С. Шенин билан И. А. Каримов Ангренга бордилар. Улар табиий офат натижасида зарарланган Жигаристон посёлкасида бўлдилар, одамлар фожиали ҳалок бўлган жойга гуллар қўйдилар, жабрдийда оилаларда бўлиб, уларга чуқур ҳамдардлик билдирдилар.

Жигаристонда бўлиш пайтида О. С. Шенин билан И. А. Каримов тиклаш ва лойиҳалаш ишларининг бориши билан қизиқдилар. Барча жабрдийдаларга зарур ёрдам кўрсатилаётгани ва кўрсатилиши, ҳеч ким кулфатда эътиборсиз қолдирилмаслиги таъкидланди. Қурувчилар билан учрашувлар ҳамда суҳбатлар ўтказилди.

(ЎзТАГ).

КИШИЛАР ҲАЁТИНИ ЎЙЛАБ

Яхшилик ва меҳр-мурувват, одамларга ўз вақтида ёрдамга келишга тайёрлик — Қизил Крест ва Қизил Ярим ой жамиятлари билан фаол ҳамкорлик қилаётган ишларда ана шундай ажойиб хусусият бор. 16 май куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Қизил Ярим ой жамиятининг XVI съезди бўлди.

Жамият раиси Ў. Т. Воҳидованинг ҳисобот маърузасида, делегатларнинг нутқларида қилинган ишларга баҳо бериш билан бирга, ҳозир, биринчи навбатда, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан энг ночор табақалари — қариялар, кўп болали оналар, болаларнинг оғир аҳволи муносабати билан ташвиш ҳам билдирилди. Нархларнинг ошиши, арзон моллларнинг йўқ бўлиб кетиши, энг зарур нарсаларнинг ҳамма ерда тақчил бўлиб қолганлиги кўп оилаларни оғир аҳволга солиб қўйганлиги айтилди.

Съезд делегатлари Қизил Ярим ой жамияти жумҳуриятимиз учун мураккаб даврда халқ турмуш даражасини оширишга қаратилган дастурларни рўёбга чиқаришда мамлакат ва Ўзбекистон ҳукуматига ҳар томонлама кўмаклашишни ўзининг асосий вазифаси деб билаётганини таъкидладилар.

Съездда тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ҳам кўриб чиқилди.

Съезд делегатлари жамият Низоми лойиҳасини муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон ССР Қизил Ярим ой жамияти янги таркиби ва СССР Қизил Крест ва Қизил Ярим ой жамиятлари уюшмасининг бўлажак съездига делегатлар сайланди.

Съезд ишида СССР Қизил Крест ва Қизил Ярим ой жамиятлари уюшмаси ижроия комитетининг раиси, СССР халқ депутати Д. Д. Венедиктов, Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби К. Юсупов қатнашдилар.

ПИЛЛАЧИЛИК:

МАВСУМ БОШЛАНДИ

Пахтачи райони пиллакорлари бу йил 5 минг 162 қути ипак қуртини парваришлаб, 291 тонна юқори навли маҳсулот етиштиришга сўз берганлар. Бу ҳосилнинг 267,7 тоннасини саноатбоп ва 23,3 тоннасини уруғлик пилла ташкил этади.

Шу мақсадда районда тайёргарлик юмушлари аллақачон бажарилди. Яхшилаб жиҳозланган 38 та инкубацияларга «Тетрогибрид — 3», «Фарғона — 2» навли ипак қурти уруғлари келтирилди. Қурт боқиладиган хоналар таъмирланиб, бу ерларга печка, сўкчаклар ўрнатилиб, дезинфекцияланди.

Уруғчиликка ихтисослаштирилган Охунбобоев номли жамоа хўжалигида қурт боқиш мавсуми авжида. Бу ердаги «кумуш тола» соҳибалари 362 қути қуртни агротехника асосида парваришлаб, тайёрлов пунктларига 23,3 тонна юқори навли пилла етказиб бериш учун курашаётирлар.

Б. ШАМСИЕВ.

ТОЛАСИ—КУМУШ

Самарқандлик пиллачилар янги мавсумни бошлаб юборишди. Вилоят кумуш тола ижодкорлари қилинажак ишларни режалаштириш мақсадида ўз қурултойларини ўтказдилар. Улар фақат ипак қурти боқишни замонавий асосда йўлга қўйиш, хом ашёни шу ернинг ўзида қайта ишлаш орқалигина тармоқни юксалтириш мумкин, деган хулосага келдилар.

Пиллачиликдаги энг оғир муаммолардан бири сифатдир. Ўтган йили бу соҳадаги натижа ёмон бўлмади. Пилла толасининг сифатлилиги учун тўрт миллион сўм қўшимча даромад олинди. Ҳосилнинг муайян қисми чет элга сотилди. Бунинг эвазига замонавий ускуналар келтирилди. Бироқ, маҳсулот сифати ҳали ҳам халқаро стандарт талабига тўғри келмайди. Мисол учун Ўзбекистоннинг ўтган йилги ҳар бир килограмм пилласи 7—8, Хитойники эса 20 долларга баҳоланди.

— Ипак қурти озуқа базаси эҳтиёждагидан анча кам, — деди вилоят пиллачилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори, Ўзбекистон ССР халқ депутати Салоҳиддин Бобомуродов. — Тут етиштириш пиллачилик ширкатлари ва унинг мутахассислари иши, деган кайфиятдан қутила олмаяпмиз. Шу боисдан Жомбой, Советобод, Нурота, Большевик ноҳияларида ҳар йили экилаётган тут ниҳолларининг 40 фоизи қаровсизликдан қуриб боряпти. Барг етишмаслиги оқибатида ўтган йили уч мингта звено режасини бажара олмадик.

Маҳсулотни қайта ишлаш ҳаракати вилоятда ҳам бошланди. Иштихондаги «Атлас» ширкати дастлабки матони савдо шохобчаларига жўнатди. Ҳозирча бу ерда учта дастгоҳ ишлаяпти. Пахтачи ноҳиясида ҳам шундай цех очилди. Йигит ва қизлар Наманган атлас тўқиш корхонасида малакаларини оширишди.

Самарқандлик кумуш тола ижодкорлари бу йил уч минг 350 тонна пилла етиштиришга, ҳар қути ипак қурти маҳсулдорлигини 65—70 килограммга етказишга бел боғлаганлар.

Ф. ТОШЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЖИГАРИСТОН:

ДЎСТ КУЛФАТДА СИНАЛАДИ

● Жигаристонликлар бошига кулфат тушганида иттифоқдош республикаларнинг Қизил Крест ва Қизил Ярим ой жамиятлари биринчи бўлиб ёрдам қўлини чўздилар. Дастлабки соатлардаёқ табиий офат юз берган жойга мамлакатнинг турли бурчакларидан озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари жўнатила бошланди. Жароҳатланганлар учун оммавий равишда донорлик қони тўплаш, муваққат лагерларга жойлаштирилган кичкинтойлар учун болалар овқати йиғиш ташкил қилинди.

Тожикистондан Тошкентга самолётда табиий офатдан жабрланган оилалар учун мўлжалланган 22 та посилка — кўрпа-ёстиқлар, кўн ва ипак чет эл этиклари, энг зарур моллар келди. Бу юкларни олиб келган Тожикистон Қизил Ярим ой жамияти меҳр-мурувват хизматининг раҳбари Е. С. Свидерская уларни энг муҳтожларга бўлиб берди.

Литва, Латвия, Эстония, Россия ва Қирғизистон Қизил Крест ҳамда Қизил Ярим ой жамиятлари қариндош-уруғлари ва яқинларидан маҳрум бўлган оилаларга таъзия билдириб, телеграммалар юборди. Улар шу республикалар аҳолиси тўплаб берган иссиқ кийимлар, қурилиш материаллари ва дори-дармонлар самолётлар билан табиий офат юз берган жойга жўнатилди.

* * *

● Бухоро шаҳри умумий овқатланиш трестининг жамоаси юртдошлар дардига шерик бўлиб, Жигаристон қўрғонидаги табиий офат жабрдийдаларига ёрдам жамғармасига ўзининг бир кунлик иш ҳақини ўтказди.

Жигаристонлик Худойбергановлар оиласи вақтинча берилган янги уйга кўчиб ўтдилар.
Л. ГУСЕИНОВ олган сурат.

ҲАМДАРДЛИК ТЕЛЕГРАММАСИ

Табиий офат натижасида ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларига ва қариндош-уруғларига, жабр чеккан аҳолига Белоруссия халқи номидан чуқур ҳамдардлик билдирамиз.

Белоруссия ССР Олий Кенгашининг Раёсати.

САХОВАТЛИЛАР ОРАМИЗДА

Ҳамманинг нигоҳи Жигаристонга қаратилгани бежиз эмас. Негаки, мўъжазгина бир қишлоқда яқинда юз берган фожиа оқибатларини тугатиш учун зарур бўлган ҳамма ишлар амалга оширилмоқда. Бу табиий бир ҳол албатта.

Ангрен шаҳар партия, совет органлари, жамоат ташкилотларининг масъул вакиллари асосий вақтларини қишлоқда жойлашган штабда, кейинги кунларда ишлар авж олган муҳим объектларда ўтказмоқдалар. Мана, шаҳар партия қўмитаси биринчи котиби Ўктам Турғунов ҳам жабрланганлар кўчирилган Хаккарман мавзесидан эндигина қайтипти. У суҳбатда қуйидагиларга тўхталиб ўтди:

— Бизни моддий, маънавий қўллаб-қувватлаётган барча ташкилот, идора ва фуқароларга рўзномангиз орқали миннатдорчилигимизни етказишингизни илтимос қилардим, — деди у. «Дўст бошга кулфат тушганда синалади» деган нақлни яна бир карра чинакам исботини кўряпмиз. Ҳозиргина мен бориб келган Хаккарманда қуриб битказилган кўп қаватли уйларга 30 хонадон кўчиб ўтди. Бугун пешинда анъанавий расм-русум бўйича ана шу маросим нишонланди. Одамларнинг кайфияти анча яхши. Улар барча ҳамдард бўлган саховатли кишиларга раҳмат айтишимизни илтимос қилишди.

Котиб билан суҳбатлашар эканмиз, рўзномамиз жамоаси ҳам баҳоли қудрат бир кунлик иш ҳақларини жабрланганлар счётига ўтказганликларини маълумот учун айтдик.

— Шаҳар партия қўмитаси ҳам моддий жиҳатдан анча ночор аҳволда бўлишига қарамай икки минг сўмни ёрдам фондига ўтказди, — деди Ў. Турғунов. —Зотан, шундай оғир пайтда ёрдам бермасак, қачон берамиз, ахир.

Унинг таъкидлашича, Қирғизистоннинг Ўзган районидан 40 дан зиёд вакил ҳамдардлик билдиргани келиб, бир машина ун ва шунча гуруч, 13 минг сўм пул олиб келишибди. Ёрдамга шошилганлар оқими тобора кўпайиб бораётганлиги меҳр-оқибатли кишилар ҳали бисёрлигидан далолат беради.

...«Жигаристон» мавзеси қурилиши мўлжалланган жойда ишлар кўзда тутилганидан ҳам тезроқ суръатлар билан олиб борилмоқда. Эллиқта уй бунёд этилиши белгиланган жойга зарур техника воситалари ва асбоб-анжомлар келтириб қўйилди. Бу вазифанинг уддасидан чиқиш учун мутасадди вазирликларнинг куч-ғайратлари бирлаштирилди. Жумҳурият Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги билан Уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги бинокорлар учун энг зарур бўлган электр ва сув таъминотини биринчи навбатда йўлга қўйдилар.

«Узгипрокоммунинжпроект» илмгоҳи ходимлари эса асосий лойиҳачилар билан бир ёқадан бош чиқариб фожиа рўй берган жойда Хотира боғини яратишга киришдилар. Янги мавзени сув билан муттасил таъминлаш ҳам ҳаётий зарурат эканлиги ҳаммага маълум албатта. Бу мақсад учун жуда қисқа муддат мобайнида узунлиги 3 километрдан кўпроқ сув қувурини ётқизиш биринчи галдаги вазифа бўлиб турибди. Унга кучли насос станцияси сув чиқариб бериши керак. Лойиҳачилар айни шу ечим устида ишлаб зарур ҳужжатларни тайёрлаб бўлишди.

Яна бир нарса диққатга сазовор — бинокорлар илгари янги мавзени октябрь ойида фойдаланишга топширмоқчи бўлишган эди. Энди улар шароитни ҳисобга олиб, уни сентябрдаёқ қуриб битказишга қарор қилдилар. Кейинчалик канализация тармоғи ҳам ишга туширилади. Унинг тармоқлари ўз навбатида мактаблар, болалар боғчалари ва бошқа маданий-маиший объектларга ҳам хизмат қилдирилади.

Хуллас, янги Жигаристон қишлоғига асос солина бошланди. Ҳадемай, у қаддини тўла ростлаб, боғу-роғларга бурканишига, илгари ги рухсоридан ҳам кўркамроқ, қулайроқ, гавжумроқ бўлишига сира шубҳа йўқ.

А. МАННОПОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

МИРМУҲСИННИНГ ЮБИЛЕЙИДА

«Баҳор» концерт залида Мирмуҳсинни етмиш ёшга тўлгани муносабати билан қутлашга бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Юбилярни табриклаш учун адабиёт ва санъат арбоблари, Тошкент жамоатчилигининг вакиллари, талабалар келдилар. Меҳмонлар орасида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби К. Юсупов ҳам бор эди.

Кечани Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг биринчи котиби Одил Ёқубов кириш сўзи билан очди.

Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримовнинг Мирмуҳсинга йўллаган табрик телеграммасини Президент маслаҳатчиси Б. Назаров ўқиб эшиттирди.

Мирмуҳсин ижодининг тадқиқотчиси, филология фанлари номзоди Ортиқбой Абдуллаев сўз устаси тўғрисида гапирди.

Ёзувчи ўз юбилей кечасига қадар республиканинг кўпгина жойларида бўлди, китобхонлар билан учрашди. Кейинчалик айни шундай учрашувлар унинг ижодини рағбатлантиришини, янги мавзулар топиб беришини эътироф этди.

(ЎзТАГ).

МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК ОҚИБАТИ

Кечагина пайкалга тўшалган узун-узун арғамчидай бўлиб ётган яшил изларбугун сарғайиб қовжираб ётибди. Эгилиб бир туп ниҳолни кўтараман. Ғўза тупи жонсиз, кислота қуйилгандек бужмайиб қолган. Кейинги пайкалга ўтамиз. Бу ерда ҳам шу манзара. Навбатдагисида ҳам... 55 гектар майдондаги бир текис униб чиққан ғўза шу тариқа нобуд бўлган,

— 24 апрелдаёқ чигитни экиб тугатган эдик. Бизнинг ерлар Марказий Фарғонанинг Қизилтепа массиви дейилади. Қумлоқ эмасми, кўпроқ «Тошкент — 6» навини суяди, — сўзлай кетди Охунбобоев ноҳиясидаги «Октябрь 50 йиллиги» жамоа хўжалигининг 12-бригадаси бошлиғи Ж. Тошматов. — Чигит бир текис униб чиқди. Ҳаммамиз хурсанд бўлдик. Ғайрат билан ишга киришиб, ғўзага дастлабки ишлов беришни ҳам тугатдик. Ғўзаларимиз кокилдек терилиб қолган эди. Афсус, кўргиликни қаранг. Ҳозир бир туп ҳам соғи йўқ. Ҳаммаси қовжираб битибди.

Биргина бу эмас, қўшни Киров номли колхознинг Қизилтепага туташ ерларида ҳам шу аҳвол. Охунбобоев ноҳиясининг «1-Май», «Октябрь 50 йиллиги», Киров номли жамоа хўжаликлари ҳудудидаги 600—700 гектар майдонга экилган пахта ниҳоллари бошида ҳам шу кунларда мана шу хавф турибди. Ажабо, ҳалокатнинг боиси нимада? Ахир яқин орада биронта ҳам табиий офат рўй бергани йўқ-ку?

Деҳқонлар ғўзаларнинг қуриб қолишига эрта баҳорда берилган яхоб суви сабаб бўлган, дейишяпти. Юқори ташкилотларга неча марталаб қилинган илтижоларга қарамай Қизилтепа ерларига сув келтириш масаласи ҳал бўлмаяпти. Ҳолбуки бу ерларнинг ўзлаштирилганига 20—30 йил бўлди. Шунча пайтдан буён ерлар асосан оқова-зовур сувлари билан суғориляпти. Кейинги йилларда эса Фарғона — Марғилон шаҳарлари маиший ва саноат чиқиндилари ҳам шу зовур сувларига аралашиб, сув таркибини бузиб юборяпти. Оқибатда ерлар ишдан чиқяпти.

Дарҳақиқат, бу хўжаликлар бир неча ўн йилдан буён шу зонада деҳқончилик қилишади. Илгарилари сизот сувлардан фойдаланишарди. Кейинчалик ноҳия ҳудудида Фарғона ва Марғилон шаҳарлари атроф посёлкаларидан тушган суюқ чиқиндиларни тозалаш иншооти, Фарғона аэрация станцияси қурилди. Дастлабки йиллари аэрация станциясидан чиққан сув экинларга зарар етказмади. Бироқ кейинги уч йил давомида аҳвол ёмонлашди. Шу сув билан суғорилган далаларда ҳосилдорлик кескин пасайди. Ғўзалар ниҳоллигидаёқ нобуд бўла бошлади. Масалан, ўтган йили «Октябрь 50 йиллиги» жамоа хўжалигининг юқоридаги бригадасида режа бўйича 29 фоизга бажарилган, ҳосилдорлик эса гектаридан атиги 7 центнерни ташкил этган эди.

Ҳодиса рўй берган пайкалардан атиги 600—700 метр масофадан Катта Андижон канали ҳайқириб оқиб ётибди. Нега шу ердан сув чиқарилмайди, деган саволимизга ноҳия сув хўжалиги идораси раҳбари Р. Муллажонов:

— Катта Андижон каналига насос станцияси ўрнатиш устида анчадан бери ҳаракат қиляпмиз. Бироқ ҳамон лойиҳа ишлари тугагани йўқ. Қурилиш бошланиб, насос ишга тушгунгача икки-уч йил ўтади, — дея жавоб берди.

— Тозалаш иншоотидан тушган сувдан далада фойдаланиш тавсия этиладими?

— Йўқ. Лекин биз сув бўлмаганлиги учун ноилож фойдаланар эдик. Бунинг устига Қизилтепа зонасидаги икки минг гектар ернинг сув таъминотини яхшилашни мўлжаллаган «Р—2» ариғининг қазилиши ҳам чўзилиб кетди. «Ферганаводстрой» трести раҳбарияти ариқни 20 апрелдан фойдаланишга топширамиз, дея ваъда бергандик. Афсуски, ҳозиргача 50—60 фоиз иш бажарилган, холос.

Ғўзани нобуд қилган заҳарли сув манбаини қидириб, Фарғона вилояти «Водоканал» идорасига қарашли аэрация станциясига бордик.

— Бу ишда бизнинг ҳеч қандай айбимиз йўқ, — дейди станция бош муҳандиси вазифасини бажарувчи К. Бойматов. — Биз Фарғона-Марғилон зонасидаги маиший ва саноат чиқиндиларини қувурлар орқали қабул қилиб олиб, тозалаймиз. Кейин бу сувлар ташлама зовур орқали Сирдарёга оқиб кетади. Иншоотдан чиқиш пайтида оқова сувга озгина хлор аралаштирамиз. Бироқ у доимо белгиланган даражада бўлган. Ёнимизда «Экология» Фарғона кичик ишлаб чиқариш корхонаси жойлашган. Улар ҳам биздек корхона. Баъзан уларнинг сувлари бизнинг сувларимизга аралашиб кетади.

Таажжубки, шу станциянинг ёнида яна бир мустақил тозалаш иншооти мавжуд экан. Асосан Фарғона фуран бирикмалари, кимё заводидан чиқадиган турли чиқинди сувлар шу корхонада тозаланиб, ташлама зовурга оқизилар экан. Бундан ташқари Марғилон шаҳри атрофидаги айрим ташкилот ва корхоналарнинг оқовалари ҳам шу ёрда тозаланар экан.

Кўп ўтмай кабинетга «Экология»нинг бош муҳандиси М. Эргашев кириб келди. Унинг қўлида ҳам ўзларининг ҳақлигини исботловчи ҳужжат бор эди. Иккала корхона раҳбарлари бизнинг олдимизда айбни бир-бирларига ағдара кетишди.

— Биздан чиққан сув тоза, ундан ғўзага ҳеч қандай зиён етмайди, — дея ўз гапини маъқуллади М. Эргашев.

— Биламиз, сизлар ифлос сувни кўп оқизасиз коллекторга!

— Йўқ, шундай қилаётган аслида сизлар!

Биз хонани тарк этганимизда ҳам иккала корхона раҳбарлари ўртасидаги даҳанаки жанг давом этарди.

Ҳа, бу корхоналар ходимлари ўз вазифаларига совуққонлик билан қараб, кўпинча тозаланмаган сувни ҳам оқова тарзида чиқариб юбораётганлиги маълум бўлди. Бироқ, йиллар давомида сувнинг яроқсиз эканлигини била туриб, экинга қўйишга рухсат бериб келган ноҳия ва хўжалик раҳбарларининг масъулияти қаерда? Бугунги кунда ишдан чиққан юзлаб гектар ер майдонлари учун ким жавоб беради? Ахир, ҳар қарич ер ҳисобда бўлган Фарғона шароитида бу шунчаки масала эмаску?!

Қизилтепа зонасида юзлаб гектар экин майдонлари ишдан чиқиш хавфи остида турибди. Катта Андижон каналидан секундига бир кубметр сув чиқарадиган насос ишга туширилмас экан, фалокат ҳудуди кенгаяверишти табиий. Мутахассисларнинг фикрича, йиллар давомида кислота ва бошқа зарарли моддаларга тўйинган бу ерларда келинчалик ҳатто ёввойи ўт ҳам ўсмайдиган бўлиб қолади. Зудлик билан бу зонага табиий сув келтириш зарур!

Яна савол туғилади: Фарғона ва Марғилон шаҳарларидан чиқаётган чиқинди-оқова сувларни тозалаш нега турли идоралар орасида бўлиб юборилган? Бу соҳадаги сансалорликнинг боиси нимада? Кимё заводларидан чиқадиган заҳарли чиқинди сувларни тозалашдай ўта муҳим вазифа илгари «Винокор» кооперативи деб аталган, ҳозирда эса «Экология» деган маҳобатли ном остида иш кўраётган кичик ишлаб чиқариш корхонасига қай тарзда ишониб топширилди экан? Биз бу корхонанинг қаерга тегишли эканлигини ҳам аниқлай олмадик. Охунбобоев ноҳияси ҳудудида у рўйхатга олинмаган. Бизнингча, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутасаддилари бу корхона фаолияти билан жиддий шуғулланишлари лозим.

Экология офати одатда, калтабинларча юритилган ишлар туфайли юзага келади. Қизилтепа деҳқонлари бошига тушган кўргилик шундан далолат бериб турибди.

А. ИБОДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Мухбиримиз бонг уради

Фарғона вилояти «Водоканал» идорасига қарашли аэрация станциясига бордик.

— Бу ишда бизнинг ҳеч қандай айбимиз йўқ, — дейди станция бош муҳандиси вазифасини бажарувчи К. Бойматов. — Биз Фарғона-Марғилон зонасидаги маиший ва саноат чиқиндиларини қувурлар орқали қабул қилиб олиб, тозалаймиз. Кейин бу сувлар ташлама зовур орқали Сирдарёга оқиб кетади. Иншоотдан чиқиш пайтида оқова сувга озгина хлор аралаштирамиз. Бироқ у доимо белгиланган даражада бўлган. Ёнимизда «Экология» Фарғона кичик ишлаб чиқариш корхонаси жойлашган. Улар ҳам биздек корхона. Баъзан уларнинг сувлари бизнинг сувларимизга аралашиб кетади.

Таажжубки, шу станциянинг ёнида яна бир мустақил тозалаш иншооти мавжуд экан. Асосан Фарғона фуран бирикмалари, кимё заводидан чиқадиган турли чиқинди сувлар шу корхонада тозаланиб, ташлама зовурга оқизилар экан. Бундан ташқари Марғилон шаҳри атрофидаги айрим ташкилот ва корхоналарнинг оқовалари ҳам шу ёрда тозаланар экан.

Кўп ўтмай кабинетга «Экология»нинг бош муҳандиси М. Эргашев кириб келди. Унинг қўлида ҳам ўзларининг ҳақлигини исботловчи ҳужжат бор эди. Иккала корхона раҳбарлари бизнинг олдимизда айбни бир-бирларига ағдара кетишди.

— Биздан чиққан сув тоза, ундан ғўзага ҳеч қандай зиён етмайди, — дея ўз гапини маъқуллади М. Эргашев.

— Биламиз, сизлар ифлос сувни кўп оқизасиз коллекторга!

— Йўқ, шундай қилаётган аслида сизлар!

Биз хонани тарк этганимизда ҳам иккала корхона раҳбарлари ўртасидаги даҳанаки жанг давом этарди.

Ҳа, бу корхоналар ходимлари ўз вазифаларига совуққонлик билан қараб, кўпинча тозаланмаган сувни ҳам оқова тарзида чиқариб юбораётганлиги маълум бўлди. Бироқ, йиллар давомида сувнинг яроқсиз эканлигини била туриб, экинга қўйишга рухсат бериб келган ноҳия ва хўжалик раҳбарларининг масъулияти қаерда? Бугунги кунда ишдан чиққан юзлаб гектар ер майдонлари учун ким жавоб беради? Ахир, ҳар қарич ер ҳисобда бўлган Фарғона шароитида бу шунчаки масала эмаску?!

Қизилтепа зонасида юзлаб гектар экин майдонлари ишдан чиқиш хавфи остида турибди. Катта Андижон каналидан секундига бир кубметр сув чиқарадиган насос ишга туширилмас экан, фалокат ҳудуди кенгаяверишти табиий. Мутахассисларнинг фикрича, йиллар давомида кислота ва бошқа зарарли моддаларга тўйинган бу ерларда келинчалик ҳатто ёввойи ўт ҳам ўсмайдиган бўлиб қолади. Зудлик билан бу зонага табиий сув келтириш зарур!

Яна савол туғилади: Фарғона ва Марғилон шаҳарларидан чиқаётган чиқинди-оқова сувларни тозалаш нега турли идоралар орасида бўлиб юборилган? Бу соҳадаги сансалорликнинг боиси нимада? Кимё заводларидан чиқадиган заҳарли чиқинди сувларни тозалашдай ўта муҳим вазифа илгари «Винокор» кооперативи деб аталган, ҳозирда эса «Экология» деган маҳобатли ном остида иш кўраётган кичик ишлаб чиқариш корхонасига қай тарзда ишониб топширилди экан? Биз бу корхонанинг қаерга тегишли эканлигини ҳам аниқлай олмадик. Охунбобоев ноҳияси ҳудудида у рўйхатга олинмаган. Бизнингча, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутасаддилари бу корхона фаолияти билан жиддий шуғулланишлари лозим.

Экология офати одатда, калтабинларча юритилган ишлар туфайли юзага келади. Қизилтепа деҳқонлари бошига тушган кўргилик шундан далолат бериб турибди.

А. ИБОДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

БОЗОР—ТАНГЛИККА ҚАРШИ

СССР Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидан

Иқтисодиётни танглик ҳолатидан чиқариб олиш соҳасида СССР Вазирлар Маҳкамаси билан суверен жумҳуриятлар ҳукуматларининг биргаликдаги ҳаракат дастурини тузиб чиқиш устидаги қизғин иш ниҳоясига етказилмоқда. 15 май куни Кремлда СССР Президенти М. С. Горбачев раислигида Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Жумҳуриятлар ҳукуматларининг раҳбарлари, халқ депутатлари, жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирокида ўтган мажлисда мазкур дастурнинг лойиҳаси муҳокама қилинди.

СССР Бош вазирининг ўринбосари **В. И. Шчербаков** ўз маърузасида ҳужжатни тайёрлаш икки босқичда ўтганини, «ўнлар»нинг қўшма баёноти имзоланганидан кейин уни қиёмига етказиш жадаллашганини айтди. Жумҳуриятлар билан ҳамкорлик бу ишнинг асоси, уни муваффақиятли тугаллаш гарови бўлди.

Режалаштирилган барча ишларга эски тизимга қайтиш эмас, балки бутун жабҳа бўйлаб бозор муносабатларига ўтишни жадаллаштириш, шу жумладан иқтисодиётни давлат ихтиёридан чиқариш негиз қилиб олинди. Яхлит иқтисодий маконни сақлаб қолиш ва ривожлантириш билан жумҳуриятларнинг суверенитетини бирга қўшиш йўли орқалигина унга эришиш мумкин. Пул муомаласини мустаҳкамлаш, шу макондаги ягона тўлов воситаси бўлмиш сўмнинг аҳамиятини ошириш зарур.

(Давоми иккинчи бетда).

БОЗОР — ТАНГЛИККА ҚАРШИ

(Давоми. Бошн биринчи бетда).

Тангликни тугатиш чора-тадбирлари — дастурнинг марказий масаласидир. Бу чора-тадбирлар айни вақтда бозор тусига эгадир. Кузгача базавий тармоқларнинг ва бутун халқ хўжалигининг нормал ишини тиклаш мумкин. Пулнинг қадрсизланиш жараёнини жиловлаш, одамларнинг турмуш даражаси пасайиб кетишига йўл қўймаслик зарур. Озиқ-овқат соҳасидаги мушкул аҳволдан чиқиб олиш ва бозорни қайта тиклаш муҳим вазифадир. Бу муаммоларни ҳал қилиш учун жумҳуриятлараро битимлар ва давлат буюртмалари бекаму кўст бажарилишини таъминлаш, товар ишлаб чиқарувчиларга эркинлик бериш таклиф қилинди. Улар эркинлигининг янги негизида 1992 йил режаси тузилмоқда, унда белгилаб бериладиган ягона давлат буюртмасида Иттифоқнинг ҳам, жумҳуриятларнинг ҳам эҳтиёжлари эътиборга олинади.

Пулнинг қадрсизланишини жиловлаш учун ҳам аввалги аҳдлашувларни бажариш зарур. Энг муҳим ижтимоий дастурлардан ташқари бюджет харажатларини анча қисқартириш, капитал маблағ ҳажмини, мудофаа ва бошқарув чиқимларини камайтириш лозим.

Сўмнинг харид қувватини товар билан тўлдиришни ошириш орқали мустаҳкамлаш керак. Иқтисодиётимизни қайта қуришга ажнабий сармояни фаолроқ жалб қилиш лозим. Лимитдан ортиқча қарз беришни тақиқлаш, солиқ тизимини ислоҳ қилиш мўлжалланмоқда. Айрим ишлаб чиқаришларнинг зарар кўришига қатъиян барҳам бериш керак. Келгуси йил бошидан эътиборан шу йўл билангина пулнинг ички бемалол айирбошланишига ўтиш ва мамлакат бўйлаб эркин алмаштириладиган валюталар қўлма-қўл ўтиб юришини тўхтатиш мумкин бўлади, деб ҳисоблайди маърузачи. Озиқ-овқат ва истеъмол бозорини мўл-кўл таъминлаш учун маҳсулот етказиб беришни 1991 йил даражасида тиклаш, маҳсулот етказиб беришни кўпайтиришни ҳар томонлама рағбатлантириш лозим. Ижтимоий ҳимоянинг алоҳида чора-тадбирлари ишсизликка йўл қўймаслиги, иш ҳақи соҳасида катта ислоҳот ўтказишга ёрдам бериши керак. Ижтимоий истеъмолнинг барча жамғармаларини меҳнат қилолмайдиган ва ижтимоий ночор табақалар — пенсионерлар, ногиронлар, кўп болали оилаларни ҳимоя қилишга ҳизмат қилдириш керак.

Ташкилий ва иқтисодий чора-тадбирлар билан бир қаторда мол-мулкни давлат ихтиёридан кенг жабҳа бўйлаб чиқариш тангликдан қутилишнинг асоси эканини Бош вазирнинг ўринбосари таъкидлаб ўтди. Ишбилармонликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишнинг махсус дастури зарур. Халқаро ҳамкорлик учун яхлит иқтисодий маконни кенг очиб қўйиш, ташқи иқтисодий тузилмалардаги монополияни тугатиш, бу соҳада иттифоқдош жумҳуриятларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш лозим.

Иқтисодиётнинг ички тузилишини қайта қуриш йўли билан уни фан-техника тараққиётига мойиллаштириш, энг муҳими эса — халқ хўжалигини одамлар эҳтиёжига хизмат қилиш сари буриб юбориш керак. Вазирлар Маҳкамаси бошлиғининг ўринбосари ҳозирча молия ва кредит сиёсатининг баъзи масалалари, хўжалик шартномаларини тузиш даражалари, мол-мулкни давлат ихтиёридан чиқариш воситаси ҳал бўлмай турганини уқтириб, дастурни қиёмига етказиш ишини жуда қисқа муддатда тугаллаш ва уни амалга оширишга киришиш кераклигини яна бир бор таъкидлади.

Лойиҳанинг муҳокамаси нақадар ўткир бўлганини тасаввур этиш мумкин. Мунозара давомида айтилган фикрлар жамланадиган бўлса, унинг кўпчилик қатнашчилари дастурнинг асосий мазмунини, йўналишларини қўллаб-қувватладилар. Тўғри, биринчи бўлиб сўзга чиққан Украина ҳукуматининг бошлиғи **В. П. Фокин:** «Дастурда талабчанликни кучайтиришга зўр берилган-у, аммо манфаатдорлик кўринмайди» деган гапни айтди.

Муҳокама қатнашчилари айтган яна бир неча фикр ва таклифлар билан танишинг.

Қирғизистон Жумҳурияти Бош вазири **Н. И. Исанов:** дастурни ортиқ орқага суриш ярамайди, уни қабул қилиш керак. Жумҳуриятларнинг бозорга киришида уларнинг илк шароитини бараварлаштириб олиш айниқса муҳимдир. Биз олишни умид қилган субвенциялар, аслида, берилмаяпти. Бу — молиявий ҳалокат ёқасига олиб боради.

РСФСР Вазирлар Кенгашининг Раиси **И. С. Силаев:** лойиҳа устида биргаликда қилинган иш натижа берди. Бироқ бу дастур тангликдан чиқиш иложини асосан маъмурий чора-тадбирлар билан топишни кўзда тутади. Жумҳуриятларнинг тангликка қарши ўз чора-тадбирларини амалга оширишларига халақит берадиган ҳамма тўсиқларни бутунлай олиб ташлаш керак. Дастурда эса тангликка қарши янада кучлироқ урғу берилиши лозим.

Белоруссия ҳукуматининг бошлиғи **В. Ф. Кебич:** дастурни шу ҳафта ичида қиёмига етказиш зарур. Монополияга айланиб қолган энг катта корхоналарни нима қилиш кераклигини аниқлаб олиш жуда муҳимдир. Бу ўринда фақат битта самарали йўл бор. У ҳам бўлса, акциячиликка ўтиш йўлидир, деб ҳисоблайман. Ўрта Осиё жумҳуриятларини эса қўллаб-қувватлаш, фойданинг бир қисмини улар билан баҳам кўриш керак.

Қозоғистон Бош вазири **У. Қорамонов:** дастур жуда зарур. Уни ҳатто хомаки тарзда ҳам қабул қилса бўлади, бироқ мол-мулкни давлат ихтиёридан чиқариш жараёнини бошлашдан аввал уни тақсимлаш керак.

СССРнинг собиқ вазири **Н. А. Паничев** айниқса эҳтиросли сўзлади. Тўғри, у ҳозир ҳам аввалгидек мамлакат машинасозлигига раҳбарлик қилаётган бўлса ҳам, энди бутунлай бошқача асосда ишламоқда. Беш ҳисса камроқ бошқарувчилар билан иш юритаётган корхоналар уюшмасига бошчилик қилмоқда. Ҳар бир заводга 0,5 амалдор тўғри келади. Бу тажриба ҳали узил-кесил баҳолангани йўқ. Афсус, бу тажрибага кўпроқ эътибор берса арзийди.

СССР Президентининг бу хусусдаги лўқмаси диққатга сазовордир. У бундай деди: келинглар, ҳурматли ўртоқлар, иқтисодиётни сиёсий манфаатлар қийноғига солмайлик. Иқтисодиёт учун мустаҳкам ҳуқуқий база яратиш керак. Шунда белгиланган мақсадга эришамиз. Бироқ мол-мулкни давлат ихтиёридан чиқаришни иккинчи жамоалаштиришга айлантириб юборсак, бошбошдоқлик бошланади. Ана шунда бутун раҳбарлар командаси бўйсира саф тортиб, маълум томонга қараб борадиган бўлиб қолади.

Бу — қаттиқ гап бўлса ҳам, аммо жуда ўринли. Мамлакат Октябрь инқилобидан кейинги тарихидаги туб бурилиш босқичида турибди. Одамлар умуман тангликка қарши дастурга ишонмоқдалар, деди М. С. Горбачев. Аммо улар дастур ҳақидаги асосий гапни — иш бўлиш-бўлмаслигини, оширилган нархлардаги моллар, озиқ-овқат қачон пайдо бўлишини, яқин вақт ичида, айтайлик, йил охирида вазият қандай бўлишини билишлари керак.

Агар бундай дастурлар наф бермаган мамлакатларнинг тажрибаси таҳлил этиб кўрилса, пулнинг қадрсизланишини тўхтатиш билан айни бир вақтда одамларнинг меҳнат ғайрати оширилмаганлиги сабабли шундай бўлмаганлиги равшанлашади, деди Президент.

Кўпчилик жумҳуриятлар, тармоқлар, уюшмалар, касаба уюшмалари раҳбарларининг нутқлари ишлаб чиқаришни оширишга қизиқтириш воситаларини кучайтиришга бағишланди.

СССР Бош вазири **В. С. Павлов** мамлакат аллақачон танглик ҳолатига тушиб қолганини, бироқ, жумладан, миллий табиий бойликларни сотиш йўли билан уни орқага суриб келганликларини айтди. Энди бизнинг эски қийинчиликларимиз ёнига бошқарув тизимининг самарасизлиги, интизомнинг издан чиқиши ҳам қўшилди. Шу боисдан ҳам бу аҳволдан бозорга ўтиш йўли билан қутилиш мумкин. Чунки у товар ишлаб чиқарувчиларнинг феъл-атворини буйруқбозлик тизимидан кўра қаттиқроқ тартибга солиб туради. Иқтисодиётни бозор тартиб-қоидаларига ўтказиш ҳам жадаллаштирилиши керак. Бунда асосий эътиборни корхонага, унинг масъулиятини оширишга қаратиш лозим.

Устивор соҳаларни қайта кўриб чиқиш керак. Ҳозир қишлоқнинг эҳтиёжларини биринчи ўринга қўйиш зарур. Шу йўл билангина омон қолишимиз мумкин. Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тенгликка нарх-навони янада ошириш орқали эмас, балки деҳқончилик-саноат мажмуига етказиб берилаётган айрим ресурсларнинг тарифларини пасайтириш йўли билан эришмоқ керак. Оқилона давлат буюртмаси белгилаш, ортиқча маҳсулотни сотишга эрк бериш, ишлаб чиқаришни янгилашга кўпроқ сармоя сарфланиши учун солиқ соҳасида имтиёз бериб, уни рағбатлантириш зарур. Қурилиш индустриясига кўпроқ эътибор бериш керак. Рентабеллик, самарадорлик асосий мезон бўлиб қолсин, токи абгор бўлиб қолиш хавфи бепарво кишиларни яхшироқ ишлашга мажбур қиладиган бўлсин.

Ҳамма мулоҳазаларни эътиборга олиб, дастурнинг узил-кесил матнини тузиб чиқиш ва уни амалга оширишга киришиш керак, деб таъкидлади Иттифоқ ҳукуматининг бошлиғи. Турмуш барибир тузатишлар киритади. Шу сабабли ҳужжат биз учун ўзгармас ақида эмас, балки ҳаракат қўлланмаси бўлиб қолиши керак.

Пировардида сўзга чиққан **М. С. Горбачев** бундай деди: биргаликдаги иш натижасида ишлаб чиқаришни рағбатлантирадиган таъсирчан воситага айланиши мумкин бўлган ҳужжат тайёрланди. Дастур Иттифоқ ва жумҳуриятлар ҳукуматларининг диққат-эътиборини мамлакатни тангликдан чиқариб олишнинг айни иқтисодий жиҳатларига қаратиши керак, деб таъкидлади у. Бироқ иқтисодиёт барбод бўлиши ва бундан келиб чиқадиган ижтимоий ҳамда сиёсий оқибатлар хавфи аниқ кўриниб турганини ҳали ҳамма ҳам англаб олмаганга ўхшайди. Биргаликдаги ёндашувларни сабот билан изламоқ керак.

Тангликка қарши дастур, деди сўнгра СССР Президенти, бениҳоя долзарб ҳужжат бўлишига қарамай, айни вақтда бозор муносабатларига ўтиш стратегиясининг негизи ҳамдир.

Совет давлатининг бошлиғи ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш, аҳолини озиқ-овқат ва моллар билан таъминлашнинг биринчи галдаги масалаларини ҳал этиш, кредит-молия тизимини ва пул муомаласини соғломлаштириш, иқтисодиётни давлат ихтиёридан чиқариш ва ишбилармонликни ривожлантириш, ўзаро манфаатли асосда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш каби энг муҳим муаммоларга маҳлис қатнашчиларининг эътиборини қаратди. У ҳужжатнинг ўтиш давридаги ижтимоий ҳимоя чора-тадбирларига бағишланган бўлимига батафсил тўхталиб, иқтисодиётни қайта қуришнинг энг теран моҳияти айни мана шундан иборат эканини таъкидлади.

...Мажлисда бозорга фақат ҳамду санолар ўқилди, дейиш нотўғри бўлур эди. Идоравий манфаатларни кўзлайдиган ва бу ерда унчалик ўринли бўлмаган шикоятлар ҳамда далиллар ҳам эшитилди. Аммо раҳбарлардан бири бехосдан айтиб юборган: «бозор юзасидан биз учун саводсизликни тугатиш мактаби ташкил этилсин» деган гапни бир қанча нотиқлар дарҳол қўллаб-қувватлашди.

Яна бир жиҳат. Чўзинчоқ залнинг йўлагида одатдагидек қаторлаштириб қўйиладиган минерал сув шишалари ўрнида оддий сув тўлдирилган шиша кўзалар турар эди: Кремлда тангликка қарши бюджет кучга кирди, деяверинг. Тежамкорлик ҳақидаги узундан-узоқ гап-сўзлардан кўра, мана шу ҳолатнинг ўзи бизга маънодорроқ туюлди.

Б. ГРИШЧЕНКО,
Б. ШЕСТАКОВ,
ТАСС мухбирлари.

МУШТАРИЙ:

...ХАБАР ҚИЛАДИ —

«БАЛЛИ ЙИГИТЛАР» КЎРИГИ

«Орлёнок», «Зарница» ҳарбий-спорт ўйинлари қатори «Балли, йигитлар!» ҳарбийлаштирилган кўрик-конкурслар умумтаълим мактаблари педагогика ва ўқувчилар жамоаларининг ўқув режаларидан муносиб ўрин олмоқда.

Кейинги уч йил ичида кўрик-конкурс ғолибларидан 4 киши Болгарияга бепул йўлланма билан бориб келди, 36 киши Бухоро, Хива, Самарқанд шаҳарларига бепул экскурсияга юборилди. 1991 йилги кўрик-беллашувда Ленин номли 1-ўрта мактаб, Энгельс номли 33-, «Совет Ўзбекистони» номли 4-мактаб бўлажак аскарлари ғолиб бўлишди.

А. МАҚСУДОВ,
Қўрғонтепа райони.

...ТАНҚИД ҚИЛАДИ —

ХЎЖАСИЗЛИК ҚАЧОНГАЧА?

Кейинги йилларда Бухоро ҳудудида экологик аҳвол борган сари ёмонлашиб бормоқда. Бунинг устига идора, ташкилот, хўжаликлар заҳарли кимёвий моддаларни очиқ ҳавода сақлаб, атроф-муҳит, ҳавони баттар булғамоқда. Айниқса, Ромитан ноҳиясидаги «Октябрь 50 йиллиги» давлат хўжалигига қарашли Қомуч, Оғар, Муллоён қишлоқлари аҳолиси бундай аҳволдан азият чекмоқда. Хўжаликнинг 1-бўлими Қалайчорбоғ қишлоғидан ўтадиган марказий йўл бўйидаги омборда кўплаб заҳарли кимёвий моддалар очиқ ҳавода сақланяпти. Омбор аҳоли яшайдиган уйлардан бор-йўғи 20—50 метр нарида жойлашган. Хўжаликнинг 3-бўлимидаги аҳвол бундан ҳам ташвишли.

Атроф-муҳитни мусаффо сақлаш, аҳоли саломатлигига жиддий хавф солаётган бундай хўжасизлик, кўнгилсиз аҳволни зудлик билан бартараф этиш пайти етмадимикин?!

Р. ИБРОҲИМОВ,
Бухоро вилояти.

* * *

Шунингдек, муштарийларимиздан Т. Жўраев, К. Нишонов, А. Қувондиқов, Ш. Бағутдинов, Д. Абдуллаев, А. Акрамов, К. Турдибоев, М. Аҳмедов, Д. Саидов, Қ. Аҳмеров, Ў. Қосимов, М. Жалилова, Н. Қураматова, Э. Ҳожиқурбонов, О. Сафаров, Ҳ. Нормуродов, С. Шокирова, Қ. Жўраев, Й. Алимов, Т. Умарова, О. Юсупова, И. Эргашева, Р. Курбонов, Қ. Раҳмонов, Г. Элмирзаева, Ҳ. Омонов, О. Юнусов, Н. Ҳидирова, Ш. Ҳожиев, Ж. Ғоппоров, Ҳ. Жумаева, Р. Пўлатов, А. Аҳролов, Қ. Қўлдошев, Д. Мамадалиева, Р. Тўйчиев, А. Имомов, Н. Орозов, М. Умаралиева, Ж. Алиевлар ҳам турли мавзуларда хат-хабарлар йўллашган.

«Совет Ўзбекистони» муштарийлари:

РЎЗНОМА ҚИЗИҚАРЛИ БЎЛИШИНИ ИСТАЙМИЗ

Абу Райҳон Беруний номидаги Самарқанд мактабгача тарбия билим юртида илм маскани жамоасининг таклифига кўра «Совет Ўзбекистони» муштарийлари билан учрашув ўтказилди. Унда савол-жавоб ҳамда фикр алмашувлар бўлди. Қуйида ана шу мулоҳазалардан айримларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Эркин АЛЛАЕВ, билим юрти партия ташкилотининг котиби: — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бош нашри бўлган рўзномада бевосита партия ташкилотларида рўй бераётган ўзгаришлар ҳақида таҳлилий мақолаларни кўпроқ бериш керак. Кўпинча, у ёки бу хил партиявий анжуманлар ҳақида ахборот берилади, холос. Умуман, барча вилоят ва ноҳияларда бўладиган йиғинлар, пленум ва сессиялар тўғрисида хабар бериш шартмикин? Баъзан эса жумҳуриятдаги барча рўзномалар бир хил расмий материалларни эълон қилишади. Бу эса уларнинг қизиқарлилигини камайтиради.

Гулбаҳор ЖИЯНОВА, II курс талабаси: — Ишлаб чиқариш режаларининг уддаланганлиги ёки агротехник тадбирлар ўтказилганлиги хусусидаги гаплар билан муштарийларни қизиқтириб бўлмайди. Шунинг учун халқ турмушидан кўпроқ лавҳалар бериш зарур. Тўғри, ёшлар учун алоҳида рўзнома бор, лекин шунга қарамай «Совет Ўзбекистони»да ҳам вақтивақти билан ёшлар ҳаётига муносабат билдириб туриш керак, деб ҳисоблайман.

Холбой МАҲАНОВ, тил ва адабиёт ўқитувчиси: — Давлат тили ҳақидаги Қонун ижросини таъминлашда «Совет Ўзбекистони» отахон газета сифатида яловбардорлик қилиб, бу борадаги илғор тажрибаларни ҳам ёритиб бориши керак. Мисол учун билим юртимизда амалга оширилган ишларни кўпчиликка маълум қилиш мумкин. Ҳозирча рўзномада тил ҳақидаги Қонуннинг бажарилиши бўйича фақат олимлар ва жамоат арбобларининг чиқишларига ўрин бериляпти. Келгусида оддий муштарийларга кўпроқ сўз берилса...

Анзират ШЕРТОЕВА, II курс талабаси: — Рўзнома инсон қадриятига катта эътибор бераётганлиги яхши, албатта. Аммо мақолаларда расмий жумлалар ва фикрлар ҳамон учраяпти. Рўзноманинг шанба сонини бошқачароқ чиқарса бўлади. Бунда мен янгича шакл ва мазмунни назарда тутяпман.

Меҳри РАҲМОНОВА, ўқитувчи: — Газетанинг ҳар бир сонида битта публицистик мақола бўлиши керак. Халқ турмуши кенгроқ ёритилса ҳар бир мақола янада ўқишли ва қизиқарли чиқади.

Тошбой МИРЗАЕВ, мусиқа фани муаллими: — Менимча, шов-шув кўтариб олинган обрў узоққа бормайди. Муштарийни чалғитиб, кейин кечирим сўрашдан нима фойда. Яхшиси, ҳар бир воқеага босиқлик билан муносабат билдириш зарур. Газетанинг чиқиши у ёки бу жамоада муҳитнинг бузилишига ҳам олиб бормаслиги керак. Бу борада «Совет Ўзбекистони» тўғри йўлдан боряпти, деб ўйлайман.

Ойниса ОРИПОВА, билим юрти касаба уюшмаси комитетининг раиси: — Биз кўпинча халқ турмуши деганда колхозчи ёки ишчининг ҳаётини тушунамиз. Шу боисдан талабалар, айниқса ётоқхонада яшовчи ёшлар турмуши рўзномаларда яхши ёритилмайди. Ҳолбуки, бизда муаммолар жуда кўп. Мисол учун талабаларга Темирйўл райижрокомидан бир амаллаб тақчил моллар учун талон олдик. Аммо беш ойдан бери ана шу талонларга ҳеч нарса тополмай оворамиз...

Назокат ШЕРБОЕВА, муаллима, шоира: — Самарқандда қайси соҳада бўлмасин, унда ҳизмат маданияти паст. Шу ҳақда тез-тез мақола берилишини истардим. Баъзи магазин сотувчисининг юлғичлиги, маиший хизмат уйи ходимининг масъулиятсизлиги ёки автобус ҳайдовчисининг қўполлиги кайфиятингизга жуда салбий таъсир қилади. Бу ҳақда муштарийларнинг фикрини бериб бориш мумкин. Токи хизмат кўрсатиш соҳасида фақат маданиятли кишиларгина ишласин.

«Совет Ўзбекистони» мухбири.

СССР ДАВЛАТ БАНКИДАН

СССР ДАВЛАТ БАНКИНИНГ 1991 ИЙЛ НАМУНАСИДАГИ БЕШ СЎМЛИК БАНК БИЛЕТЛАРИ (БАНКНОТЛАРИ)НИ МУОМАЛАГА ЧИҚАРИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Давлат банки 1991 йил 1 июндан СССР Давлат банкининг 1991 йил нусхасидаги беш сўмлик банк билетлари (банкнотлари)ни муомалага чиқаради. Банкнотларнинг тасвири матбуотда эълон қилинади.

СССР Давлат банкининг 1991 йил нусхасидаги беш сўмлик банк билетлари (банкнотлари) давлат, кооператив, тижорат, жамоат ва бошқа барча корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар, колхозлар ва айрим шахслар томонидан барча турдаги тўловларга, шунингдек банклар ва почта корхоналари томонидан жамғармага жорий, ҳисоб варақаларига кўшиш учун, жўнатмалар учун ва аккредитивларга ёзиб қўйилган қиймати бўйича чекланмаган миқдорда қабул қилиниши мажбурийдир.

1961 йил нусхасидаги беш сўмлик СССР давлат хазина билетлари сийқаланиб кетгунга қадар муомалада бўлаверади ва давлат, тижорат, жамоат ва бошқа барча корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, колхозлар ҳамда айрим шахслар томонидан ҳамма турдаги тўловларга, шунингдек банклар ва почта корхоналари томонидан омонатларга жорий, ҳисоб варақаларига кўшиш учун, жўнатмалар учун ва аккредитивларга ёзиб қўйилган қиймати бўйича чекланмаган миқдорда қабул қилиниши мажбурийдир.

Ҳозирги вақтда СССР Давлат банкининг 1991 йил нусхасидаги 1 сўмлик, 3 сўмлик, 10 ва 25 сўмлик банк билетлари (банкнотлари)ни шу йилнинг 3-4 кварталларида муомалага чиқаришга тайёргарлик кўрилмоқда. Бу банкнотларнинг тасвири ва муомалага чиқарилишининг аниқ вақти кўшимча равишда маълум қилинади. 1961 йил нусхасидаги 1 ва 3 сўмлик СССР давлат хазина билетлари, 1961 йил нусхасидаги СССР Давлат банкининг 10 ва 25 сўмлик билетлари сийқаланиб кетгунга қадар муомалада бўлаверади ва ҳамма турдаги тўловларга ва варақаларга кўшиш учун қабул этилиши мажбурийдир.

Бу йил жумҳуриятимиз чорвадорлари учун қулай келди. Зеро, баҳор серёмғир келганлиги туфайли далаларда, қирларда ўт-ўлан сероб. Бедазорларда эса ниҳоятда. Пахтакор районидаги Ульянов номли совхозининг Мурод Жуманов бошлиқ звеноси далаларида бўлган киши бунга гувоҳ бўлади. Мавжуд 45 гектар майдонга экилган беда нақ белга урди. Айни пайтда жамоа аъзолари ўрим суръатини авж олдиришмоқда. Уларнинг ниятн — ҳар гектар майдондан дастлабки ўримдаёқ 30 центнердан озуқа йиғиштириб олиш.

СУРАТЛАРДА: звено бошлиғи М. Жуманов ва моҳир механизатор Фарҳод Ойназаров ҳамда беда ўрими пайти.

У. ҚУШВОҚОВ олган суратлар.



САЛОМАТЛИК ВА АТРОФ-МУҲИТ

Самарқандда Ўзбекистон иммунологлари ва аллергологларининг биринчи қурултойи очилди. Унда РСФСР, бошқа иттифоқдош жумҳуриятлардан келган олимлар ҳамда мутахассислар қатнашмоқда. Улар тўрт кун мобайнида илмий-тадқиқотлар мазкур соҳасини ривожлантиришнинг туб муаммоларини, бу тадқиқотларни соғлиқни сақлашда қўлланиш, экология омилларининг одамлар соғлиғига таъсири масалаларини муҳокама қилишлари керак бўлади.

Ўзбек олимлари иммун системаси фаолиятининг бузилиш омилларини, атроф муҳитнинг иммунитетга таъсирини ўрганишга катта ҳисса қўшдилар. Бунда Тошкентда СССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги иммунология илмгоҳи филиалининг очилиши катта аҳамият касб этди. Бу даргоҳ ўлкамизда ўтказилаётган илмий-тадқиқотларни мувофиқлаштирувчи марказга айланди. Улар орасида иммуногенетика, иммунофармакология ва бошқа йўналишлар бор. Бугунги кунда пестицидларнинг, нурланишларнинг иммун системасига ва одамлар соғлиғига таъсирини ўрганиш ишлари айниқса долзарб бўлиб қолди.

Қурултой қатнашчилари тиббиёт ана шу соҳасининг аҳволини батафсил таҳлил этишлари, уни тубдан яхшилашга доир таклифларни тайёрлашлари керак.

(ЎзТАГ).

ХОНАДОНИМИЗДА ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК БЎЛСИН

● Яккабоғ райони вакилларининг йиғилиши бўлди. Унда Ўзбекистон аҳолисига мурожаатнома қабул қилинди.

Ҳозирги қийин пайтда ҳар бир яхши хабар қалбларга қувонч бағишлайди, дейилади мурожаатномада. Ҳозирги баҳор кўп ташвишлар келтирганига қарамай, эртанги кунимизга ишончимизни мустаҳкамламоқда. Деҳқонлар янги ҳосил учун мустаҳкам замин яратдилар, экин-тикин ишларини муваффақиятли тугалладилар. Ғўза ниҳоллари бўй чўзмоқда. Дон экинлари, картошка, сабзавот, мева, узум ҳосили мўл бўлиши кутиляпти. Чорвачилик маҳсулотлари ҳам кўпайишига умид қиляпмиз.

Бозор иқтисодиёти ўз-ўзидан келмаслигини, осмондан тайёр бўлиб тушмаслигини яхши биламиз. Бозор иқтисодиёти йўлида катта қийинчиликларни енгиб ўтишга тўғри келади. Фақат меҳнат билан кутилган натижаларга эришиш мумкин, фақат далаларда ва фермаларда зўр бериб қилинган меҳнатгина сезиларли самара беради, мамлакатни оғир танглик ҳолатидан чиқариб олишга имкон беради.

Ҳукумат ҳар бир тийинни санаб сарфлашга мажбур бўлаётган, жумҳуриятлараро иқтисодий алоқалар бузилган ва бузилаётган ҳозирги пайтда Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш чоралари кўрилмоқда: жумҳурият Президентининг бир қанча фармонлари ана шу ишга қаратилган. Деҳқонлар ер участкалари олдилар, улар уй қуриб олиш имкониятига эга бўлдилар. Қишлоқларни сув ва газ билан таъминлаш яхшиланяпти. Хуллас, ўзимиз тўғримизда ғамхўрлик қилинаётганлигини, бизга эътибор берилаётганлигини сезишимиз учун, жумҳуриятимиздаги ҳар бир кишида эртанги кунга ишонч пайдо бўлиши учун ҳамма иш қилиняпти.

Бироқ қийинчиликларни бартараф этиш ҳозирги пайтда фақат жумҳурият раҳбарларига боғлиқ эмас, уларга шаҳар ва қишлоқ меҳнатчилари тўғрисидаги ғамхўрликлари учун самимий миннатдорчилик билдирамиз. Қийинчиликларни бартараф этиш, станок ёнидами ёки даладами, қурилиш майдончасидами ёки илмий муассасадами — қаерда ишламайлик, кўп жиҳатдан ҳар биримизга боғлиқ. Яна бир бор такрорлаймиз — ҳамманинг ва ҳар бир кишининг меҳнатигина ҳозир сезиларли натижа келтира олади. Қишлоқ меҳнатчилари учун қиммати вақтни бой бериб, қўл учида ишлайдиган бўлсак қорнимиз тўядими, устимиз бут бўладими? Албатта йўқ. Бу ҳаммага равшан.

Деҳқоннинг ишлари кўп. Ипак қуртини боқиш ҳам, ем-хашак ғамлаш ҳам — ахир беда ва ўтлар ўсяпти, мурғак ғўза ниҳолларини парвариш қилиш ҳам, ғаллани ўриб-янчиб олишга тайёргарлик кўриш ҳам ҳаммаси деҳқонни кутаётган ишлардир. Фермалардаги, боғ ва токзорлардаги ишларчи!

Инсоннинг кўнгли тўқ бўлса, хонадонида тинчлик ва осойишталик бўлса, у хотиржам меҳнат қилади. Ҳар куни кўрқув билан яшаса ва эртанги кунга ишонмаса кўп иш қила оладими?

Ҳозир бемаъни баҳслар ва тўқнашувлар кимга керак? Ярамас миш-мишлар тарқатилаётган жойларда ёлғон ва туҳмат авжига чиқиши, турли тоифадаги гиж-гижловчилар «ўз фикрини» тиқиштиришга уриниб, одамларни йўлдан оздирмоқчи бўлган жойларда меъёрий меҳнат маромни ҳам, соғлом маънавий муҳит ҳам бўлмаслиги равшан эмасми, ахир. Бундай жойларда интизомдан асар ҳам қолмайди, тартибсизликлар келиб чиқади, ишнинг ўзи ҳам қувонч келтирмайди.

Бизда апрель ойининг охирларида юз берган ижтимоий-сиёсий вазиятнинг кескинлашуви хўжалик фаолиятига салбий таъсир қилмай қолмади.

Эрта тонгдан қоронғу тушгунга қадар далада ишлайдиган деҳқон учун бир гуруҳ ҳамқишлоқлари деҳқон бурчини унутиб, даладан митингга, бунинг устига, рухсат этилмаган митингга жўнаб кетаётганини кўриш осон дейсизми. Қанчалик митинг-бозлик қилинмасин, гап билан ҳосилни сақлаб қолиш мумкин эмас. Чиройли сўзлардан қўйлак тикиб бўлмайди. Олдимизда турган энг муҳим муаммоларни ҳам қуруқ гап билан ҳал қилиб бўлмайди.

Очиғини айтайлик, жамоат тартибини бузувчилар умумий ишимизга жуда катта зарар етказмоқда. Районимизда эса бундай одамлар бор. Улар пойтахтдаги норасмий бирлашмалар вакилларининг «ҳомийлик қилишидан» фойдаланиб, нифоқ уруғини сочмоқдалар, хўжаликларни тартибсизликка бошламоқдалар. Ўзбекистон деб аталган катта хонадонимиздаги осойишталикни улар қадрламайдилар, улар учун шахсий нафсониятлар муҳимроқ. Шу сабабли улар ўзини бизга минбарда кўрсатиш учун, ўзларини «халқ ва унинг манфаатларининг ҳимоячилари» қилиб кўрсатиш учун одамларни митингга чорламоқдалар. Айни пайтда улар ярамас миш-мишларни тарқатмоқдалар, иғво қилиб қуруқ гап кўпайиши учун замин ҳозирламоқдалар.

Ўзбекистон ССР халқ депутати Шовриқ Рўзимуродов ҳам ғайриқонуний хатти-ҳаракатларнинг ташкилотчилари орасига тушиб қолди. Халқ унга ишониб топширган депутатлик мандатига доғ туширди, ишончимизни оқламади. Бундай одам жумҳуриятимиз депутатлари орасида бўлмаслиги керак. Бу бизнинг чуқур эътиқодимиз, бинобарин сайловчилар ўз ҳал қилувчи сўзларини айтадилар, деб умид қиламиз.

Биз Шовриқ Рўзимуродовнинг вазиятни беқарор қилишга қаратилган ҳаракатларини, унинг аҳоли айрим гуруҳларини, аниқса ёшларни ғайриижтимоий ҳатти-ҳаракатларга, совет қонунларини бузишга гиж-гижлаганини қоралаймиз. Жамоат осойишталигини ашаддий равишда бузган бу шахсга нисбатан кўрилган чораларни биз тўла-тўкис маъқуллаймиз.

Биз жумҳурият раҳбарларига мурожаат қилиб, ҳосил учун курашнинг айниқса ҳозирги масъулиятли даврида ишлашимизга халақит бератган кишиларга нисбатан қаттиқ туришни илтимос қиламиз.

Районимиз меҳнатчилари халқ хўжалигини янада юксалтиришга эришиш, тўпланиб қолган муаммоларни тезроқ ҳал қилиш учун бутун куч-ғайратларини сарфлашларига ишонамиз. Бунинг учун бизда ҳамма имкониятлар бор.

Хонадонимизда тинчлик ва осойишталик бўлсин!

МУРОЖААТНОМА ЯККАБОҒ РАЙОН МЕҲНАТКАШЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИНГ 1991 ЙИЛ 13 МАЙДАГИ ЙИҒИЛИШИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.

Ўзбекистон Президенти И. А. КАРИМОВГА

● Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Кейинги кунларда Яккабоғ районида рўй берган тартибсизликлардан ғоят ташвишланяпмиз. Маҳалламиз аҳли ана шу ножўя ишлар ортида жумҳурият халқ депутати Шовриқ Рўзимуродов ва норасмий «Бирлик» бирлашмаси турганидан ғазабланмоқда.

Жумҳурият ҳукуматидан тартибсизликларни уюштирган кишиларга нисбатан қаттиқ чоралар кўрилишини талаб қиламиз.

Ҳамза номли маҳалла комитетининг раиси, Улуғ Ватан урушн қатнашчиси, иккинчи гуруҳ ногирони Худойберди УМУРЗОҚОВ Улуғ Ватан урушн ногирони Эргаш НАЗАРОВ, меҳнат фахрийлари А. Е. ҲАНИПОВА, Хўжақул БЕКМИРЗАЕВ, Бобомурод ЕҚУБОВ, Ўғил ШОЙМОВА ва бошқалар.

● Яккабоғ районида бўлган тартибсизликлар халқимизнинг ғазабини адолатли тарзда қўзғатмоқда.

Маҳалламиз аҳолиси бу тартибсизликларга жумҳурият халқ депутати Шовриқ Рўзимуродов дахлдорлигидан ғазабланмоқда. Бу «Бирлик»даги норасмийларнинг қора ишларидир.

Ҳукуматимиз бундай тартибсизликларни келтириб чиқараётган кишиларга нисбатан жуда қаттиқ чоралар кўрсин.

Яккабоғ шаҳридаги Жамбул номли маҳалла аҳолиси номидан Амир АЛИҚУЛОВ, Маҳмуд НИШОНОВ, Номоз РАҲИМОВ, Исматулло РУЗИЕВ, Гулсара ФАЙЗИЕВА.

Бозор иқтисодиёти шароитида тикувчилик касби алоҳида эътиборга эга бўлиб, уста бичиқчи-тикувчиларга кўп буюртма тушмоқда. Бу касбни ўрганиш иштиёқмандлари сафи кенгайиб бораяпти.

Суратларда: 1. Самарқанд тикувчилик бирлашмасининг «Сочакиболо» филиали смена мастери Майсара Ғаффорова шогирди Гулмира Саидқуловага чеварлик сирларини ўргатмоқда. 2. Нукус шаҳридаги «Арнўхан» маиший хизмат уйи уста тикувчиси Бийбайим Алиева.

Ғ. АЛИЕВ ва Б. АЛЛАШЕВ олган суратлар.

● *Фанимиз заҳматкашлари*

ҲАҚ ЙЎЛГА БАХШИДА УМР

Профессор Азиз Тўхтабоев ҳақида фикр юритганда уни қирғиз ва ўзбек элининг фарзанди дея, тилга оладилар. Бундай дейишнинг боиси бор, албатта. Азиз қирғиз оиласида таваллуд топиб, ўзбек элида камолотга етди. Олимнинг ҳаёти ҳақида фикр юритишдан олдин бир воқеа ёдга тушади.

...Охунбобо ака Қадамжой шу яқинидаги Жийдали қишлоғидан от-аравада кетаётганида унинг турмуш ўртоғини тўлғоқ тутиб қолади. Йўл ёқасидаги хонадонларнинг бирига ҳомиладор аёлни олиб кирадилар. Тасодифни қарангки, ўша куни мезбон оилада ҳам ўғлон дунёга келади. Охунбобо ака фарзанди сафарда туғилганлиги учун унга Йўлдошали деб, мезбон эса ўз ғўдагига олдинги фарзанди бевақт нобуд бўлгани учун Тўхтабой деб исм қўяди. Шу йўсинда қирғиз хонадонида бирданига икки фарзанд Тўхтабой Сарбонов ва Йўлдош Охунбобоев дунёга келдилар.

Бу ҳақда Азиз ака тўлқинланиб ҳикоя қилади.

— Ҳамон кечагидек эсимда. 1935 йили Москвага ўқишга бордим. Орадан бир йил ўтгач, у ерда Йўлдош отани учратиб қолдим. Отамдан у киши ҳақида жуда кўп ҳикматли гаплар эшитган эдим. Дафъатан у кишига мурожаат қилишга журъат этолмадим. Лекин киндик қони оиламизда тўкилган, ўз отамдек инсон билан мулоқотда бўлмасдан кетишни ўзимга эп кўрмадим. Шу кезлари Қирғизистоннинг биринчи раиси Ўрозбеков ҳам Москвада эди. У киши билан Йўлдош отанинг ҳузурига бордим. Йўлдош ота мендан «Тўхтабойнинг ўғлиманми, дегин. Ахир у менинг туғишгандан ҳам аъзо қадрдоним-ку. Сен албатта Тошкентга келгин, учрашдингми?» дея таъкидладилар. Мен эса Йўлдош отага, албатта Тошкентга боражагимни билдирдим. 1938 йили Тошкентга келдим. Шу Ўзбекистон менинг иккинчи она юртимга айланди...

Азиз Тўхтабоев узоқ йиллар партия идораларида масъул лавозимларда ишлади. Умрининг энг жўшқин дамларини партияга, халққа бахшида этди. Узоқ йиллар Азиз ака Йўлдош Охунбобоев хонадонининг азиз меҳмони ҳамда давлат ишидаги энг жонкуяр кадрларидан бири сифатида эл назарида бўлди. Лекин Азиз акадаги фанга бўлган ташналик, илмга чанқоқлик бир дам ҳам сўнмади. У ВКП (б) Марказий Комитетининг матбуот бўлими ихтиёрига чақириб олинди ва марксизм-ленинизм асарларининг таржимони ва муҳаррирлари марказий курсида тингловчи бўлди. Шу тариқа икки йил Москвада таҳсил кўрди. Ўша кезлари Азиз Тўхтабоев пролетар доҳийси Ленининг синглиси Мария Ильинична Ульянова билан учрашиш бахтига муяссар бўлди.

— Мария Ильинична, — деб хотирлайди Азиз Тўхтабоев. — учрашувимиз давомида Фарғона водийсидаги колхозчиларнинг турмуши билан қизиқди. Айниқса, «Шарқ хотин-қизларининг аҳволи қандай?» дея кўзларимга тик боққанини ҳамон бот-бот эслайман. Чунки у Шарқ ҳақида гап кетса албатта, болажон юртимизнинг фаровонлиги, аёлларимиз ҳақида жуда кўп фикр алмашишни истар эди...

Етакчи олим партия ва давлат ишида сафарбарлик кезлари илм билан астойдил шуғулланди. Урушдан кейинги оғир синов йилларида у Янгийўл район партия қўмитасининг биринчи котиби вазифасида ишлади. Ноҳияда пахтачиликни ривожлантириш соҳасида машаққатли ҳаёт йўлини, пешона терини тўкди. Унинг меҳнати партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. 1949 йили Азиз Тўхтабоевга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди.

Узоқ ўтмиш, суронли йиллар, ҳаётий синовлар билимга ташна қалбни бука олмади. Ёш авлодни тарбиялашдек муқаддас иш Азиз Тўхтабоевнинг эзгу тилаги эди. Ҳаётининг кейинги йилларида олим Фарғона ҳамда Тошкент олий билимгоҳларида талабаларга билим берди. Унинг қатор илмий рисолалари, мақолалари ҳозирги кунда билимга ташна ёшларни фаннинг машаққатли сўқмоқларидан тўғри йўл танлашларига хизмат қилмоқда.

Профессор, жумҳуриятда хизмат кўрсатган фан арбоби Азиз Тўхтабоев ҳозирги кунда Тошкент давлат дорилфунуни ёшларига сидқидилдан билим бермоқда.

Т. ҚУРБОНОВ,
ТошДД доценти, фалсафа фанлари номзоди.

● ЛУҚМА

ФАРМОЙИШЛАР БИЛАН ҚОРИН ТЎЙМАЙДИ

Қорақалпоғистон ҳукумати бозорларда сотилаётган гўштнинг энг юқори нархини белгилаб қўйди — у 10 сўмдан ошмаслиги керак эди. Бироқ тез орада маҳаллий матбуот мол гўшти «арзонлашишни» истамаётганлиги ҳақида хабар қилди. Бунинг ажабланадиган ери йўқ: фармойишлар билан гўштни кўпайтириб бўлмайди.

Ҳозирча эса республикадаги бош ижроия идораси маъмурий қизиққонлик билан бозорга бостириб кирмоқда. Қорақалпоғистон жамоат шўъбасида қорамол тобора камайиб боряпти. Ўтган йилгига нисбатан бу ерда қорамоллар 4,3 минг бош, қўй-эчкилар 12,8 минг бош камайди. Ваҳолонки, ўтган йили ҳам бу йилдагидек жониворлар учун ем-хашак кўп бўлмаган эди. Чўчқалар 2,3 минг бош камайди. Фақат Тахтакўпир районининг ўзида қўйлар 9,6 минг бош камайди, СССР 60 йиллиги номли давлат хўжалигида эса 367 та сигирдан 29 таси қолди. Қорақалпоғистон Қишлоқ хўжалик вазирлигининг ҳисоботларига қараганда, фақат ем-хашак танқислигининг ўзи туфайли деярли 700 бош қорамол, 6,1 минг бош қўй-эчки, 600 дан кўпроқ чўчқа нобуд бўлди.

Чорвадорлар қўзи ва бузоқлар — бўлажак пода кўпаяётганлиги билан ҳам мақтана олишмайди. Масалан, «Коммунизм» давлат хўжалиги ҳар юз сигирдан ...учтадан бузоқ олди. Ўзбекистон Компартияси XX съезди номли давлат хўжалигида гўшт учун топшириладиган ҳар бир новвос ёки сигирнинг ўртача тирик вазни эса 156 килограммни ташкил этди.

Албатта, хўжаликларнинг ҳаммасида ҳам ишлар бу даражада ачинарли эмас. Бироқ тармоқ раҳбарияти интизомни ошириши ва подани сақлашни назорат қилиш тўғрисида аллақачон ўйлаб кўриши керак.

В. ЛУЦЕНКО.
ЎзТАГ мухбири.

ТУНГИ ПИЧАН ЎРИМИ

Учқўрғон районидаги «Ленинград» жамоа хўжалигида ўрим машиналарининг гувиллаши тунда ҳам тинмаяпти. Бу ерда тунда беда ўриш ташкил этилди.

Хўжалик деҳқонлари озуқа экинлари етиштириладиган майдонларни йилдан-йилга кенгайтиришмоқда. Бунда беда алоҳида ўринни эгаллаган. Озуқа экинлари учун ажратилган 329 гектар ернинг 310 гектари бедазорлардан иборат. Бу майдонларнинг барчаси ижарага олинган бўлиб, энг яхши ижарачилар — Йўлчибой Деҳқонов, Мухторжон Урмонов, Турсунпўлат Мирзаолимовлар сурункасига бир неча йилдан бўён ҳар гектар ердан 210-213 центнер пичан ўриб олишмоқда.

Бу йил ташкил этилган тунги пичан ўриш озуқанинг юқори сифатли бўлишини таъминлайди. Шундай қилинганда, пичандаги оқсил моддалар ва витаминлар деярли тўла сақланиб қолади. Бундан ташқари илғор усул жорий этилиши билан пичанни қайта ишлашга сарфланадиган харажатлар камаймоқда. Ҳар бир гектар ерда қарийб 360 сўм тежаб қолиняпти.

(ЎзТАГ мухбири).

● *САФАР ТААССУРОТЛАРИ*

ХИТОЙ ТАЖРИБАСИ

Тошкент автомобиль транспорти ва йўллар илмгоҳи профессори, иқтисод фанлари доктори Жаббор Рўзиев яқинда ХХРда бўлиб, Сиань автомобиль транспорти ва йўллар институтида ўтказилган «Хитойда иқтисодий ислоҳотнинг амалга оширишда транспортнинг роли» мавзуидаги халқаро анжуманда иштирок этди. Анжуман иштирокчилари қатори у ҳам мамлакатнинг иқтисодий ҳаёти ва транспорт муаммолари билан танишди. Қуйида ўша сафар таассуротларини муштарийлар эътиборига ҳавола этамиз.

Хитой тажрибасида иқтисодий ислоҳотда хўжаликни давлат томонидан бошқарилиши ва хусусий мулк ташаббусининг уйғунлашуви, миллий ресурсларни сафарбар қилиш билан хорижий капитал жалб этилиши узвийлиги диққатга сазовордир. Чунки қўшма корхоналар билан бир қаторда буткул чет эл капиталига қарашли корхоналар кўплаб тузилмоқда. Ҳозир Хитойда ишлаб чиқарилаётган молларнинг учдан бири давлат назоратида бўлса, қолган қисми эркин бозор ихтиёридадир. Бозор эркинлигига янада кўпроқ аҳамият бериляпти. Хусусий корхоналар бамисоли ёмғирдан кейинги қўзиқоринлардек кўпаймоқда. Бунинг боиси шуки, улар давлат корхоналаридаги ҳамкасбларига нисбатан бир неча баробар кўп даромад олишади, шунинг учдан бир қисмини солиқ сифатида давлатга тўлашади. Хуллас, хусусий хўжалик Хитой иқтисодиётига катта туртки бермоқда.

Хитой иқтисодий ҳаётида кейинги ўн йилда мисли кўрилмаган ўзгаришлар содир бўлди. Айниқса, мамлакатда иқтисодий ислоҳотнинг муваффақиятли амалга оширилаётганлиги бутун дунё эътиборини ўзига тортмоқда. Аввало, хитойликлар халқ хўжалиги бошқарув усулларини қайта қуриб чиқишди. Маълумки, бошқарув ўта мураккаб жараён бўлиб, ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Янги бошқарув усули жорий қилиниши билан раҳбарларнинг 40 фоизи ишдан ўз хоҳишлари билан кетишди ёки четлаштирилди. Энди амалдорлар эмас, балки тадбиркор, ташаббускор ходимлар танланди ва бу иш бера бошлади. Амалдорлар билан тадбиркор бошқарувчилар ўртасидаги фарқ шундаки, амалдор юқоридан келган буйруқ ва кўрсатмани бажаради, уни қуйи поғонага етказади, вассалом, ишнинг натижаси билан эса унчалик қизиқмайди. Тадбиркор эса ташаббус кўрсатади, мустақил ечим топади, ҳаммасига ўзи жавоб беради.

Ўта самарали меҳнат қилиш ҳар бир хитойликка хос одат. Иш билан машғул кишига ҳеч ким халақит бермайди. Ҳақиқий ва сифатли меҳнат билан банд. Лекин дам олиш кунлари ишга келишлар, овқатланиш ҳисобига ишлаш, кўп соатли кенгашлар, иш пайтида гаплашишлар, чекишлар, шатранж ўйнаш эса қимматли вақтни бефойда ўтказиш, яъни бемаънилик ҳисобланади.

Хитой аҳолиси 1,1 миллиард кишини ташкил қилади, ҳайдаладиган ер 1,49 миллиард му ёки 100 миллион гектарга яқин, жон бошига 1,33 му ёки 0,08 га тўғри келади. Бундай шароитда аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш осон эмас, халқ коммуналари эса бу ишнинг уддасидан чиқа олмади. Шу боис коммуналар ери оила пудрати асосида бўлиб берилди. Натижада қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш кучларининг ривожига имконият туғилди. Иккинчи томондан давлат қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид нархини кескин оширди. Ердан самарали фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш биринчи ўринга чиқди. Шунинг учун ҳам Хитойда бир қарич ер ҳам экин экилмай қолмайди. Қишлоқ хўжалик экинларидан икки марта, баъзиларидан ҳатто уч марта ҳосил олишади. Исрофгарчилик деган нарса хитойлик учун бегона тушунча. Ўрим-йиғим, маҳсулотларни сақлаш ва ташиш ўта уддабурролик билан амалга оширилади, йўлларнинг равонлигига жиддий эътибор берилади. Йўл қанча яхши бўлса, маҳсулот истеъмолчиларга шунча тез етказилади ва ўз сифатини сақлаб қолади.

Оила пудрати хитойлик деҳқонларнинг 98 фоизини бирлаштирган. Расмий ҳужжатларга қараганда, оила фермерлари давлатга топшираётган маҳсулот миқдорини ўзлари белгилаб сотишлари мумкин. Лекин ғалланинг кўп қисми қатъий баҳода давлатга топширилади, бунинг эвазига оила фермерлари техника ва ўғит сотиб олишда муайян имтиёзга эга бўладилар. Оила пудратида меҳнат интизоми ниҳоятда кучли, зарур пайтларда кечалари ҳам ишлайдилар. Улар олий нав уруғларга, кичик габаритли ишлаб чиқариш воситаларига, жажжи тракторлардан фойдаланишга жуда аҳамият берадилар. Бу техника имтиёзли баҳоларда кредитга кўплаб сотилади. Шуниси қизиқарлики, улар кичик кўприклар, сув иншоотлари ва шахобчалари, маҳаллий йўллар, омборларни давлат қуриб беришини кутиб ўтирмасдан, ўта зарурат туғилган пайтларда бундай нарсаларни ўзлари маблағ ажратиб қуриб оладилар. Чунки, бу тадбирларнинг тезда қўшимча даромад келтиришини, ўзини оқлаб, самара беришини яхши биладилар.

Хитой қўлга киритган ютуқлардан яна бири махсус иқтисодий зоналар ташкил қилинганлигидир. Шеньчжень, Чжухай, Шаньтох, Сямень, Синьцзян, Хенань вилоятлари шундай иқтисодий зоналардандир. Улар чет эл капиталини жалб қилишга қулай шароит яратади. Арзон ишчи кучи, хом ашё, енгил ижара шартлари, денгиз йўлига чиқиш, дунё бозорида товарларни валютага сотиш имконияти хорижий капиталнинг ишга тушишига жуда қўл келади. Хитой томони эса ишчиларни бу зоналарга жўнатиш йўли билан бир оз бўлса-да ишсизликка чек қўйди, уларда ишлайдиган ишчиларнинг турмуш даражасини ошириш имкониятига эга бўлди, жаҳон бозори талабига жавоб берувчи хўжалик юритиш, олди-сотди, ташқи алоқа, бошқариш усулларини ўрганди, солиқларни валютада олиб, чет эл ускуналарига эга бўлиш каби имкониятлар яратилди.

Хитойда ерлар оила пудратига ёки фермерларга 15-30 йил муддатга бўлиб берилган. Ҳозир эса синов тариқасида ерни 40—50 йилга ижарага бериш ҳам бошланди. Бундай тадбирларнинг ҳаммаси ўз самарасини бермоқда. Чунончи охирги уч йилда мамлакат жами миллий маҳсулотининг йиллик ўсиши 11 фоизни ташкил этди. Асримизнинг охирида эса бу кўрсаткич 1980 йилга нисбатан 4 марта ошади. Саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳажми кейинги 10 йилда 2,6 марта ошди. Шу йилнинг биринчи кварталида эса бу суръат 14 фоизни ташкил этди.

Ҳозир Хитойнинг ташқи иқтисодий алоқаси гуркираган пайт. Мамлакат ташқи савдо ҳажми ўтган йили 120 миллиард долларни ташкил этди. Хорижий капитал миқдори 30 миллиард долларга яқин бўлиб, мамлакатдаги 200 дан ортиқ корхона унинг томонидан бошқарилмоқда. Қўшма корхоналар анча кўп, бунда Гонконг, Тайвань, Таиланд, АҚШ, Япония, Сингапур, Филиппин сингари давлатлар алоҳида ўрин тутади. Албатта, бу қўшма корхоналар мамлакат ресурсларидан аямай фойдаланиб, табиий бойликларни таламоқда. Махсус зоналар аҳолисининг, хусусий савдогарлар, қўшма корхоналар ходимларининг даромадлари давлат ва кооператив корхоналари ходимларига нисбатан анча юқори бўлганлиги мутахассислик ва таълим қадриятини анча пасайтириб юборган.

Хитойликларнинг атроф муҳитни муҳофаза қилиш, озодаликка эътибор бериш тажрибаси таҳсинга сазовор. Уларнинг асосий транспорти велосипед бўлиб, катта кўчаларда ишга кетаётган ёки ишдан қайтаётган минглаб, ўн минглаб велосипед минган одамларни кўрасиз. Велосипед ҳам арзон, ҳам тоза транспорт, соғлиқ учун кони фойда, дейишади хитойликлар. Улар майда-чуйда ишлар учун юк автомобилларидан сира фойдаланмайдилар. Автобусларнинг бекат миқдори ошган сари чипта нархи ҳам оша боради. Бу ўз-ўзидан яқин манзилларга яёв юришни тақозо қилади. Бекатда албатта автобус мотори ўчирилади, бу ҳавони тоза сақлаш ва ёқилғини тежаш учун қилинар экан.

Хитойда ёқилғи-мойлаш материалларига ўта тежамкорлик билан қаралади. Ёнилғини қуйиш тармоқларида бир томчи ёқилғининг исроф бўлганлигини кўрмайсиз, барча ишлар ёпиқ мосламаларда бажарилади. Ёнилғи машиналарга челак билан қуйилаётганлигини ёки ҳайдовчилар мойли қўлларини бензин билан ювиётганлигини, челак тагида қолган солярканинг ерга тўкилаётганини кўрмадик. Хуллас, ҳамма нарса тежамкорликка асосланган. Тийиннинг ҳам ўз баҳоси бор. Анча барқарор пул бирлиги бўлган юанни топиш қийин, лекин сарфлаш жуда осон — ҳар қадамда истаган нарса муҳайё. Озиқ-овқат муаммоси ҳал бўлган, дўконларда хилма-хил гўшт, колбаса, консерва, сабзавот, балиқ, гуруч маҳсулотлари, беҳисоб ширинликлар бор, хусусий қаҳвахоналар эса ҳар қадамда.

Хитойдан кўп нарса ўрганса бўлади, аввало бу ерда темир интизом ҳукмрон. Меҳнатсеварлик ва меҳнат қилиш тартиби, ишлаб чиқариш, бошқариш санъати, ишлаб чиқариш муносабатлари ва муомала масъулият, шодлик ва хотиржамликда ўз аксини топган.

Хитойнинг иқтисодий ҳаёти, хўжалик юритиш тажрибаси, бозор муомалалари, молия услублари катта бир мактабдир. Аҳолиси миқдорига нисбатан кичик ҳудудда беқиёс катта халқни иш, моддий неъматлар — озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлаш, ишлаб чиқариш, алмашув, таъминот, истеъмол жараёнларини бошқариш, маданиятни кўтариш, халқаро бозор рақобатига бардош бериш ҳазилакам иш эмас. Бу ўта уддабурролик, эпчиллик, ишбилармонлик, тадбиркорлик, масъулият, ирода ва мустаҳкам интизомни тақозо этади. Ҳа, бу борада хитойликлардан ҳам ўрганса ва ибрат олса арзийди.

Ж. РЎЗИЕВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор.

ХАЛҚАРО ШАРТНОМА

Бундай ҳамкорликка ўтган йили асос солинган эди. Наманганликлар Хитой шаҳарларида бўлишган.

Яқинда эса Наманган шаҳар ижроия қўмитаси ва «Тонмасс» уюшмаси таклифига биноан ХХРнинг Урумчи шаҳар халқ ҳокимияти секретариатининг бошлиқ ўринбосари Чжан Чзи раҳбарлигидаги хитойлик меҳмонлар Наманганга келишди. Улар кулол ва рассомларимиз ишларини қизиқиб кўрдилар. Шу боис, Хитой чиниларини ишлаб чиқариш борасида ҳамкорлик қилиш фикрлари илгари сурилди. 1991—1992 йиллар мобайнида ана шундай маҳсулот ишлаб чиқарадиган қўшма корхона барпо этиладиган бўлди.

Меҳмонлар пилладан тўқилаётган газламаларни кўриб ўз мулоҳазаларини билдиришди. Чунончи, хом ашёдан фойдаланиб, чет эл технологияси асосида тўрт-беш хил нафис ва қимматбаҳо газламалар тўқиб чиқариш имкониятн борлиги-ни айтишди. Машинасозлик заводи жамоаси Урумчи шаҳрида ўз филиалларини очадиган бўлди. Шунингдек, «Намангангаз» бошқармаси халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида фойдали таклифларни билдирди. Шу тариқа «Хитой — Наманган» шартномаси тузилди. Шартноманн «Тонмасс» уюшмаси президенти А. Тожибоев, шаҳар ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари Ж. Ҳошимов ҳамда Хитой делегацияси раҳбари Чжан Чзи ўртоқлар имзоладилар.

Т. СУЛАЙМОНОВ.

● Охунбобоев номли маҳалла аҳолиси райондаги тартибсизликларнинг ташкилотчиларига нисбатан қўрилган чораларни маъқуллади. Бизнинг нафратимиз ва қаҳру ғазабимиз тўлиб тошган, рухсат этилмаган митинглар ва намойишлар ўтказишга интилаётган шахсларни қаттиқ жазолашингизни сиздан ўтиниб сўраймиз.

Бу ишларга норасмий «Бирлик» бирлашмасининг аъзолари ҳам қўл урганликлари кишини ғазаблантиради.

Одамлар осойишталигини бузишга ҳаракат қилаётган, тартибсизликлар келтириб чиқараётган барча кишилар жуда қаттиқ жазоланиши керак.

Маҳалла аҳолиси номидан Бўри УСМОНОВ, Саид ҲАЙИТОВ, Ибодат ЭРГАШЕВ, Сандали САИДОВ, Нор БОБОЕВ.

● Авангард матлубот жамияти жамоаси 21-22 апрель кунлари Яккабоғ районида ўтказилган митинглларда халқни савдо ходимларига қарши қўйишга уриниш бўлганлигидан ғазабланмоқда. Рухсат этилмаган митингларнинг ташкилотчиларига нисбатан ўз вақтида ва тўғри чоралар кўрилди.

● Ўзбекистон халқ депутати Шоврик Рўзимуродов ўзининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари билан ёшларга салбий таъсир кўрсатмоқда. Биз унинг бу хатти-ҳаракатларини қоралаймиз, унга нисбатан чора кўришни талаб қиламиз.

Яккабоғ район халқ маорифи бўлимининг ходимлари ҲАЙИТОВ, ПОЛВОНОВА, ЖУМАЕВА, РЎЗИЕВ, РАҲМОНОВ.

● Маҳалламиз аҳолиси депутат Шоврик Рўзимуродов ва «Бирлик»даги норасмийларнинг хатти-ҳаракатларидан ғазабланмоқдалар. Тартибсизликларни уюштирганларга нисбатан қатъий чора кўришни талаб қиламиз.

Фурқат номли маҳалла номидан Нормурод ЙЎЛДОШЕВ, Мамаражаб РАЖАБОВ, Равшан КАМОЛОВ, Раҳима ФАЙЗИЕВА, Саломат ШАРИПОВА ва бошқалар.

● Хўжалигимиз жамоасини кейинги вақтда райондаги аҳволни кескинлаштириб юборган бир гуруҳ шахсларнинг ҳатти-ҳаракатлари ғазаблантирди. Одамларни нотўғри йўлга чорлаётган кишиларни қаттиқ жазолашни сўраймиз.

«Ленин учқуни» жамоа хўжалиги аъзолари номидан Э. ЭШБОБОЕВ, Р. ТОЙЛОҚОВ, А. АКБАРОВ, М. САИДОВ ва бошқалар.

● Халқ депутати Рўзимуродовга нисбатан кўрилган чораларни қўллаб-қувватлаймиз. Унинг бу ҳатти-ҳаракатлари ёшларга салбий таъсир қилмоқда.

Район комсомол комитети бюроси ва байналмилалчи жангчилар район кенгаши номидан Б. ЮСУПОВ, Э. БОЗОРОВ, ШОЙМАРДОНОВ, АЗИЗОВ.

● Яккабоғ район қурилиш трести механизациялаштирилган кўчма колоннаси жамоаси 21-22 ва 29 апрель кунлари бўлган митинглларнинг қатнашчиларига нисбатан жазо чораларини тўғри, деб ҳисоблайди. Уларни янада қаттиқроқ жазолаш мумкин эди. Сизни бундан кейин бутун кучимизни ишга солиб, ғайрат билан маънавий жиҳатдан соғлом муҳитда ишлашимизга ишонтирамиз.

● Яккабоғ район фахрийлар кенгаши ғайриқонуний намойишларнинг ташкилотчиларига нисбатан кўрилган жазо чораларини маъқуллайди ва қўллаб-қувватлайди. Агар улар одамларнинг тинчлигини яна бузадиган бўлишса, уларга нисбатан бундан ҳам қаттиқроқ жазо чоралари кўрилишини сўраймиз.

Уруш, меҳнат ва партия фахрийлари район кенгашининг раёсати.

● Яккабоғ районидаги Энгельс номли жамоа хўжалигининг меҳнаткашлари экстремистларнинг ҳатти-ҳаракатларини қоралайдилар ва уларга нисбатан қаттиқ жазо чоралари кўрилишини сўрайдилар.

Жамоа хўжалиги аъзолари номидан Х. БОЙМАТОВ, Ш. МИРЗАЕВ.

* * *

БУЛАР сўнгги кунларда жумҳурият Президенти номига келган телеграммаларнинг бир қисми, холос.

Яккабоғда апрелда юз берган тартибсизликлар жамоатчилик фикрини жунбушга келтирди. Айниқса, Ўзбекистон давлат ҳокимияти олий органи депутатлиги мандати ишониб топширилган киши бу тартибсизликларни уюштиргани одамларнинг ғазабини қўзғатмоқда. Улар халқдан чиққан одам деб Яккабоғ район матлубот жамияти юк ташувчилар бригадири Шоврик Рўзимуродов учун овоз берганларида унга ишонишган эди. Эҳтимол, депутатликка номзоднинг таржимаи ҳолини сайловчиларнинг ҳаммаси билмагандир, унинг таржимаи ҳолида шундай хунук сатр бор — 1982 йилда у бошлиққа бўйсунмагани учун Ашхобод гарнизони ҳарбий трибунали томонидан уч йил озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган. Лекин бу ўтмишдаги гаплар, Рўзимуродов Ўзбекистон парламентининг янги таркибига сайланди.

Оммانинг кайфиятини халқ вакили билмаса — ким билади, у ўз сайловчиларининг манфаатлари билан яшаши, уларнинг ҳақиқий ҳимоячиси бўлиши керак.

Ҳозирги мураккаб вазиятда одамларнинг жипслашишларига ёрдам бериш, ижтимоий муҳитдаги кескинликни тугатиш учун ҳамма ишни қилиш, тангликка қарши ишлаб чиқилган дастурни амалга оширишда иштирок этиш депутатларнинг жонажон ишидир. СССР Президенти билан тўққиз жумҳурият раҳбарларининг Қўшма баёноти ҳам шунга даъват этади, бу баёнотни халқ мамлакатдаги вазият ривожланишида бурилиш бўлиши учун яхши негиз деб кутиб олди.

Ҳозир мамлакатни тангликдан олиб чиқиш учун, аҳолининг турмуш даражаси пасайиб кетишини тўхтатиш, унинг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинишини таъминлаш учун халқ депутатлари ҳам кўп иш қилмоқдалар. Бизда иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш, ер участкалари ажратиб бериш, уй-жой билан таъминлаш, истеъмол бозорини йўлга қўйиш юзасидан шошилинч чоралар кўрилаётганлигини жумҳуриятимизнинг барча аҳолиси билади.

Халқ депутати Шоврик Рўзимуродов бошқа йўлни танлади — айни у тартибсизликларни келтириб чиқарди, рухсат этилмаган митинглларнинг ташаббускори бўлди, бу митинглар минглаб одамларнинг тинчлигини бузди. Бозор иқтисодиётига ўтиш учун, мамлакатни тангликдан олиб чиқиш учун жуда зарур бўлган, лекин ночорликдан кўрилган тадбир — яқинда нархнавонинг оширилишидан аҳоли айрим гуруҳлари норози бўлганлигидан фойдаланиб, у ўз хатти-ҳаракатлари билан вазиятни беқарор қилишга, ғайриқонуний ишларга даъват этди. Ғазабни қайнатадиган ва энг номуносиб томони шундаки, у ёшларни гижгижлади, ёш қалбларни шафқатсиз бўлишга чақирди.

10 апрель куни Рўзимуродовни район прокуратурасига таклиф қилишди ва бундай хатти-ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслик тўғрисида расмий равишда огоҳлантиришди. Лекин у бунга қулоқ солмади.

Рўзимуродов халқ депутати сифатида Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш, тартиб ва интизомни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятлар ва бошқа қонунбузарликларга чек қўйиш мақсадида қабул қилинган «Жумҳуриятдаги ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш чоралари тўғрисида»ги қарорини билиши лозим эди. Шу қарорга мувофиқ жумҳурият қонунларига тегишли ўзгартишлар киритилган эди.

Қонун — қонунлигича қолаверади — унга ҳамма бўйсуниши керак. Халқ депутатлари эса бунда намуна кўрсатишлари шарт. Аммо Шоврик Рўзимуродов бундай одам эмас. У 21 апрель куни эрталаб Яккабоғда район ижроия комитети биноси олдида митинг уюштиради, эртасига район ички ишлар бўлими биноси олдида одамларни тўплайди. Митинг қатнашчиларидан тарқалишни илтимос қилишганида, у одамларни район ижроия комитети биносига бошлайди. Оломон кўпая боради, кескинлик кучаяверади, қатъий талаблар эшитила бошлайди. Бундай талаблар орасида район прокурорини ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг бошқа ходимларини лавозимидан дарҳол бўшатиш тўғрисидаги талаблар ҳам бор эди. 29 апрелда бундай воқеа яна такрорланди. Бунинг устида Рўзимуродовнинг ўзи атайлаб қайсарлик қилади. Район партия ва совет идоралари раҳбарларига қўпол гапларни айтади, прокурорга жисмоний ўч олиш билан дўқ қилади.

Сабр-бардош ва хотиржамлик ғалаба қилди. Тушунтириш тарзидаги чора-тадбирлар кўрилди, шундан сўнг одамлар Ленин номли майдондан тарқаб кетдилар. Рўзимуродов эса тинчимади. У 10 май куни яна митингга чақирди. Лекин митинг бўлмади.

Жумҳурият прокуратураси Ўзбекистон ССР халқ депутати Ш. Рўзимуродовни маъмурий жавобгарликка тортишга рухсат беришни сўраб, Олий Кенгаш Раёсатига мурожаат қилди. Раёсат тақдим этилган материалларни диққат-эътибор билан кўриб чиқди, прокуратура тақдимномасида баён этилган айрим жиҳатларни аниқлашни депутатлар гуруҳига топшириди. Депутатлар Яккабоққа бориб, Рўзимуродов ғайриқонуний ҳаракатларни содир этганига ўша жойнинг ўзида ишонч ҳосил қилдилар. Шундан сўнг жумҳурият Олий Кенгашининг Раёсати Ш. Рўзимуродовни маъмурий жавобгарликка тортишга розилик берди.

Қарши шаҳар халқ судининг 10 майдаги қарори билан фуқаро Ш. Рўзимуродов Ўзбекистон ССР маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекси 188-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида кўзда тутилган ҳуқуқбузишларни содир этганликда айбдор, деб топилди. Унга 15 кун маъмурий қамоқ жазоси белгиланди. Яккабоғ район ижроия комитети Рўзимуродов ғайриқонуний ҳаракатлари билан етказган 6 минг сўм моддий зарарни қоплаши тўғрисидаги даъво билан судга ариза берди.

Рўзимуродовнинг ҳамма қилмишлари унинг виждонига ҳавола. Лекин у ўз хатти-ҳаракатлари учун уни парламентга сайлаган халқ олдида, депутатлар олдида жавоб бериши керак. Президент И. А. Каримов номига келган ўнлаб телеграммаларда ана шундай талаб қўйилган.

Жумҳуриятдаги осойишта ишчанлик вазияти, иқтисодиётнинг нисбатан барқарорлиги, аҳолини, айниқса, унинг қашшоқ табақаларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш учун кўрилаётган чора-тадбирлар яқин орада Ўзбекистон иқтисодий жиҳатдан муваффақиятли ривожланиши учун замин, жумҳурият аҳолисининг муносиб турмуш учун шароит яратилишига кафолатдир.

Ҳозир биз турмушнинг барча соҳаларида кўп қийинчиликларга дуч келяпмиз. Бу қийинчиликларни жамиятимизни тубдан янгилаши лозим бўлган ислоҳотларни давом эттириш йўлида амалий ечимларни излаш билангина, Ўзбекистонда яшовчи барча кишиларнинг биргаликдаги куч ғайратлари билангина бартараф этиш мумкин. Жамиятдаги барча соғлом кучларни жипслаштириш эртанги кунга ишонч билан қарашнинг кафолатидир.

Жаҳон жамоатчилиги, жумладан, меҳр-шафқат посбонлари—Қизил ярим ой жамияти аъзолари жумҳуриятимиз аҳолисига кўплаб тиббий асбоб-ускуналар жўнатмоқдалар.

Айниқса, немис Қизил хоч жамияти томонидан жумҳуриятимизга жўнатилаётган тиббий асбоб-ускуналар, жиҳозлар бир марта ишлатиладиган шприцлар, жарроҳлик асбоб-ускуналари Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутахассислари томонидан вилоят тиббий шохобчаларига тарқатилмоқда. Бугунги кунгача немис маркасида дўстларимиз 400 минг сўмлик ана шундай тиббий ёрдам кўрсатдилар.

СУРАТДА: Германиядаги «Лабаратехник Ильменау» фирмасининг вакили Гюнтер Леймани (чапда) Ўзбекистонлик тиббиётчиларга замонавий тиббий қурилмани тушунтирмоқда.

А. ГОРОКРИК сурати (ЎзТАГ).

ИЖОДИЙ ХОДИМЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Бухорода, Ситораи Моҳи Ҳоса музей қўриқхонасида шаҳар носирлари, шоирлари, журналистлари, меъморлари, адабиётшунос олимлари ва тарихчиларининг Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари, шунингдек вилоят партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари билан учрашуви бўлди.

Учрашувни Бухоро вилоят партия комитетининг биринчи котиби, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг раиси Д. С. Ёдгоров очди.

Бугунги кунда ижодий ходимларни тўлқинлантираётган муаммолар — Бухоро тарихий ёдгорликларини таъмирлаш ишлари суст бораётганлиги хусусида жонли фикр алмашув бўлди. Инқилобдан кейинги йилларда шаҳардан ноёб буюмлар олиб кетилганлиги, ҳозир улар Москва, Ленинград, Иваново, Самара ва бошқа шаҳарлардаги музейларни безаб турганлиги таъкидланди. Учрашувда ана шу ноёб буюмларни тез орада она Ватанга қайтариш тўғрисидаги масала ўртага қўйилди.

Жумҳурият тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш жамиятининг раиси Н. А. Муҳитдинов Бухоронинг 2500 йиллигини байрам қилиш юзасидан яқин келажакда бажарилиши лозим бўлган катта тайёргарлик ишлари тўғрисида гапирди.

Учрашувда Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Э. С. Самандаров қатнашди.

(ЎзТАГ).

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ДОРИЛФУНУНИ

1991 йил учун

АСПИРАНТУРАГА

Қуйидаги ихтисослар бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда: математикавий таҳлил, дифференциал тенгламалар, эҳтимоллик назарияси ва математикавий ҳисоб, ҳисоблаш математикаси, математикавий кибернетика, назарий механика, шакли ўзгарадиган қаттиқ жисм механикаси, назарий физика, яримўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси, магнит ҳодисалари физикаси, геофизика, ядро ва элементар заррачалар физикаси, полимерлар физикаси, ноорганик кимё, таҳлилий кимё, органик кимё, физикавий кимё, юқори молекуляр бирикмалар кимёси, биоорганик кимё, табиий ва физиологик фаол моддалар кимёси; биофизика, биокимё, ботаника, зоология, ўсимликлар физиологияси, одам ва ҳайвонлар физиологияси, генетика, гидробиология, умумий ва регионал геология, гидрогеология, петрография, вулқоншунослик; палеонтология ва стратиграфия, фойдали қазилма конларини излаш ва қидириб топишнинг геофизикавий усуллари, минералогия, литология, тупроқшунослик, агрокимё, КПСС тарихи, СССР тарихи (Ўзбекистон тарихи) умумий тарих, сиёсий иқтисод, диалектик ва тарихий материализм, илмий социализм ва коммунизм назарияси, фалсафа тарихи, эстетика, этика, рус адабиёти, СССР халқлари адабиёти (совет даври), СССР халқлари адабиёти (шарқ адабиёти); Ғарбий Европа, Америка ва Австралия мамлакатлари адабиёти; Осиё ва Африкадаги хорижий мамлакатлар халқлари адабиёти, ландшафтлар геофизикаси ва геокимёси; иқтисодий ва социал география; хўжалик ҳуқуқи, арбитраж жараёни; фуқаролик ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, фуқаролик жараёни, халқаро хусусий ҳуқуқ; жиноий ҳуқуқ ва криминология, аҳлоқ тузатиш ҳуқуқи; жиноий жараён ва криминалистика, рус тили ўқитиш услубиёти; умумий психология, психология тарихи; жамоатчилик фикри;

ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда:

ҳисоблаш математикаси, назарий механика, назарий физика, яримўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси, геофизика, ядро ва элементар заррачалар физикаси, юқори молекуляр бирикмалар кимёси, ботаника, ихтиология, умумий ва регионал геология, тупроқшунослик, агрокимё, диалектик ва тарихий материализм; Ғарбий Европа, Америка ва Австралия мамлакатлари адабиёти; хўжалик ҳуқуқи, арбитраж жараёни; жиноий жараён ва криминалистика, рус тили ўқитиш услубиёти, жамоатчилик фикри.

ҲУЖЖАТЛАР — 25 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Маълумотлар олиш учун дорилфунуннинг аспирантура бўлимига мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, 95-алоқа бўлими, Талабалар шаҳарчаси, «Д» биноси, 11-қават 113-ҳона.

Телефонлар: 46-39-48, 36-54-07.

ЎРТАДА ГУЛХАН ЁНУР...

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА шеъриятига бир назар

Жиззах даштларида кузак зулматини сескантириб, ўртада гулхан ёнар эди... Шеъриятнинг асл руҳи ўшанда — оловнинг «чирс-чирс» мусиқаси оғушида равшанроқ сезилар экан.

Пахта — «сиёсий масала» ҳисобланиб, талабани — талаба, зиёлини — зиёли, умуман, одамни — одам санамаган кезлар. Биз дорилфунуннинг учинчи курсига ўтиб, «пахта фронтида жавлон уриб» юрганимизда, қуйи курсда қўлларини нақ юрагининг устига қўйиб шеър ўқийдиган қиз пайдо бўлди. У гўё ҳар бир сўзга кўксидан оташ берар, шеърни шивирлагандек паст товушда ўқиса-да, унинг лабларидан учган сўз жонланиб, рангланиб, товланиб, кўнгиллар мулкини бесаранжом этар эди:

Бегим, Сизни табиат расо қилиб яратган...

Кейинчалик «бегим» мурожаати кўрк ва салмоқ бахш этиб турган шеърнинг ўзгачаси пайдо бўлди:

Ҳар гап ўтса, мендан ўтди, Сизда гуноҳ йўқ, бегим...

Сўнгроқ мунаққидлардан бири «бегим» сўзи тарихда аёл кишига нисбатан қўлланганини айтиб, биз шоир болаларнинг ҳафсаламизни пир қилди. Ғарчанд тарих тамойилини инкор этиб бўлмаса-да, бироқ «бек» сўзи йигитга бениҳоя ярашмоғини ва бу даъват ҳар қандай хонадонга эҳтиром, барака бахш этиб турмоғини таъкидлагим келаверади.

Шеърнинг ориятли юраги — «мен»и севги фаслари оралаб, заъфарон чоғларда ҳам муҳаббатнинг хазон либосин кийиб, мағрур хўрсинади:

Мен ҳеч ўлмас муҳаббатга фидо бўлиб ўтяпман!...

Ишқнинг давомли қўшиғи ўлароқ шеъриятда фарзанд дунёга келади. Сўнг меҳр жараёнида сергакланиб уйғониш ва аллалаб уйқотиш босқичи бошланади. Бу уйғониш «Уйғон, болажон» деган даъват билан ғафлат дунёсига таралади:

Бўлсанг ҳам «подшоҳ» сен, мавқеинг баланд,
Тиллашиб бўлади бугун сен билан...

Бола билан тиллашмоқ поклик олами билан, келажак ҳаёли билан тиллашмоқдир. «Бола — пошшо» деган иборани истиқболни ўйлаган халқ тўқиши мумкин. Зеро, эркалашга, ардоқлашга энг муносиб хилқат ер юзида суйиш, ишониш мумкин бўлган яккаю ягона подшоҳ — боладир, унинг баланд мавқеи—беғуборлиги, беғаразлиги, макр ва фитналардан холи подшоҳ эканлигидадир. Бу жиҳатдан у қуёш билан ёнма-ён туришга лойиқ:

Ўт қўяман бузғунчининг хонумонига
Ва ярадор бошим узра қўлимда тутиб,
Соғ гўдакни нўтараман қуёш ёнига.

Модомики, ўғлон уйғондими, бас, у ҳар бир хатти-ҳаракати билан табиий равишда отани эслатаверади. Шоира «мен»и фано чалғиси ўриб кетган — ҳеч қайтмас бўлиб жўнаган отани қўмсайди ва ота-бола ўртасида — бу икки буюк тоғ оралиғида виждон овозини тинглайди!

Отамдан узмаган қарзим — ғарчанд
елкамдаги юк,
Болакайдан қарзларим ҳам
оғирроқдир бу юкдан.

Оталик ҳиссига—улуғ йўлбошчи меҳрига интиқ аёл қалби ўғилга раҳнамолик ҳуқуқини топширади: «Болажон, сен отам бўлгин...» деб йиғламсинади. Ишқу ҳаёт туғёнлари, шеърият сурури шоир юрагини болага айлантирганда у ўз қалбининг меваси — боласидан оталик шаҳдини тилайди:

Мен ғўдакка айланганда
Оталик қил, болажон...

Ғариб онларда, тушкун кезларда, пароканда пайтларда, чарчоқ чоғларда болани ота деб алқаш фақат ўзбек миллатига эмас, умуман, инсон зотига хосдек кўринади. Ота билан бола ўрталиғидаги туйғу майдони, хусусан, шоир қалбларнинг туташган минтақасидир. Бундай ҳолат Хуршид Даврон нинг ушбу мисраларида ҳам ғаройиб тасвир этилган:

Баъзан қўмсаб сени ич-ичдан,
Юрак титраб сўнгги илинждан,
Отам дея алқаб ўғлимни,
Кўтараман ўзим кўнглимни.

Рауф Парфи «Хокку»сидан аёнки, Бўрон шоирнинг туғишганидир. Фарзанд билан бўрон — якин қариндош. Шеър — сатрлар оралиғида бўрон чинқириқлари, шовқинлари эшитилади. Бўронлар қўзғолишидан олдин шоирнинг энг дўстона рақиби тўлқин эди: «Мен олмаман, тўлқин билан ўйнаб оқиб боряпман...». Энди шоира руҳиятидаги безовталик мажозлар воситасида шеър аҳлига оқади: «Бўрон шудгор қилар денгиз сатҳини...». Бўрон шакли ўзгарувчандир, чунки асл бўрон қалбдадир, руҳиятдадир. «Ёлларини ҳурпайтириб чопар бўрон отлари...», Қўриняпти-ки, ҳар қандай роҳатда ҳам бўрон кенглик қўшиғидир. Болага оталик ҳуқуқини соғинган аёлнинг оналик хавотири, ташвиши бўронлар ичра сезилади; ҳали боланинг йўлбошчиси ота эканлигига комил ишонч бўлмагани боис аёл бўронлар ичра сабот кўргузмоқда:

Ногоҳ бўрон қўзғолади қамчи босиб отига,
Бу чидам, бу сабр кимдан мерос аёл зотига!

Шу хавотир, шу туғён-тўполон ичра аёл аёлнинг аёллигини мадҳ этгиси келса, не ажаб!

Хаёлимда бўрон гулхани.

О, дунё! Бу дунё муқаддас деб ардоқланган, мадҳия-ю қасидаларга мангу шуъла бериб турши лозим бўлган аёлнинг хору-зор бўлган, тупроқ ичида «иш кучи»га айланиб, оёқости бўлган даврларини кўрди. Ғўзаллик «зирҳи» — паранжидан қутулиб, кетмонга тутилган чоғларини бу дунё кўрди. Муқаддас саналган аёлнинг темир тобутларни қучиб, бир ҳовуч дод бўлиб, фарёд бўлиб, кўкка совурилган даврларини кўрди бу дунё. Ҳолбуки, шоира аёл юксак пардаларда мадҳ этиб, нидо қилган эди:

Аёл! Сенинг ўлим билмас момолигинг
рост бўлсин!

Аёл фақат оталик шарафига муносиб кўрган эркаклар зоти дунё талашиб, Ватанини — муқаддас онани сотиб, халқни — муқаддас онани оёқости қилиб, мансаб талашиб, унвон талашиб юрганида ўртада уч юздан ортиқ гулхан гуриллаб ёнди. Уч юз нафардан ортиқ хотин-қизнинг видо гулхани эди бу. Барча исёнлар ичра энг шафқатсиз исён, барча ўлимлар ичра энг намойишкорона ўлим ўз-ўзини гулхан қилмоқдир. Ана шундан сўнг ҳам аёл қалбининг фарёд-унлари оёқлар остига тўкилмасинми!

Айтинг, айтинг кулли ўтган азизлар,
Нечун аёл кўнгли доим зор келди!

Шоир қалби қизлар билан суҳбат қуриб, «Қачон қуриган жилғадай қоласиз тиниб, Қора тунда ёруғликка бўласиз муҳтал?» деб савол ташлаганида ҳали гулхан бўлмаган қизлар қимтиниб «Йигит бизни ардоқлашни унутган куни, Йигитнинг шўх кўзларида ўт сўнган маҳал», деб жавоб берган эдилар-ку. Йигитларнинг кўзларида ҳақиқат ўти сўндими? Қизлар йигитни абад-абадга йўқотдими?! Йўқса, нечун Одам Ато зурриёти — йигит қадам ташларкан, масъум тортиб, атиргулдай чирой очиб, «улар дастидан тортиниб ўтмоқ бизга тақдир» деб ҳаётбахш сўзларни такаллум қилган қизларнинг лабидан ушбу нола учаётир:

Нечун Одам Атони деб бўлган соб
Момо ҳавога бу дунё тор келди!

Ҳаёт йўлларида турли эксизликлар мавжуд. Бу ҳолатга тушган мафҳумни халқ дейсизми, Ватан дейсизми, қалб ёки руҳ дейсизми, буни истаган сиёсий ёхуд носиёсий таърифингиз билан ифодалашингиз мумкин. Бироқ шоир қалби бир юлқиниб, ер занжирларини узиб, самога кўтарилмоғи учун — ўзини буткул озод этмоғи учун ортиқ дод-фарёд кўтармаслиги мумкин. У ўз руҳий ҳолатини ифодаламоқ учун ҳар қандай сиёсий тушунчаларни бир четга суриб қўйиб, оддийгина сўзлар билан: «Қантариғлиқ отни бўш қўйинг» деб қўя қолиши мумкиндир. Бу даъватдан олдин эркни тусаш бошланган бўлади.

То рост гапни айтиш даврлари келгунча нечун халқимизнинг яккаю ягона таскини, суянчиғи шеърият бўлиб келди? Сохта ғоялардан хафсаласи пир бўлган халқ шеъриятда илоҳнинг ҳаётбахш зарраларини кўрган бўлса, ажабмас. Ҳақиқатни ифода этишнинг ёлғиз йўли мажоз эди. Шеъриятнинг қудрати мажоздадир. Одамзоднинг энг биринчи ҳаётий зарурати эркинлик эканлигини бора-бора эксиз одамнинг ўзи ҳам унутар экан. Бу ҳолни дунё тарихи тажрибаларида кўряпмиз. Шундай пайтда бошқа жонзодлар фожиасида, дейлик, қафасдаги шер, яйловдаги тушовланган от қисматида ўзини кўра билган қалб ҳали ўлмаган қалбдир. Мени озод қилинг, деб ҳайқиролмаган уйғоқ юракнинг наъраси, тахминан, бундоқ бўлиши мумкин:

От жиловин бўш қўйингиз, бўш,
Ҳам томоша қилинг учишин.
Бу эркинлик унга худди туш,
Қуюнларга сўзлар у тушин...

Бўрон ифодаси энди қуюн билан алмашиниб келаётир. Ер юзида эксиз, ҳуқуқсиз, занжирбанд бирон-бир шоирни кўрсангиз, унинг ёниб турган кўзларига қараб, «Қантариғлиқ от кўзида ўт...» деб хўрсиниб қўйсангиз, кифоя. Бу тавсифда кишанбанд қалб улуғ ҳамдардликни туймоғи муқаррар. Шунда талпинаётган қалбнинг қаҳру ғазаби ўзини шундай аҳволга солган давр афтига сочилади, «Эрк» сўзи билан қовушмоқ учун «Қасос» номли шеър дунёга келади: «Тўхтанг, учмоқ эрки ҳамиша қўлда, Сиз ҳам не эксангиз, шуни оласиз!».

Эрк туйғусининг исёни шоира шеъриятидаги нафисликни сезиларли даражада ошириб бораётгандек туюлади. Сабот кўрсатиб, ҳаёт қаршиликларига чидаган Момо Ҳавонинг зурёди: «Қасос мени ҳам силкитди, қўймади» деб вазмин эътиқади. Ҳолбуки, бундай ҳолатга шоиранинг Тўмарис қалби жавоб ҳозирлаб қўйган:

Мен ҳам нафас эдим, ситора эдим,
Қасосимга бўйсунмаганимда...

Дунёда қўлларда-қўлларга, авлоддан-авлодга узатилиши зарур бўлган мерос гулхан бор: ворис авлодга ҳеч нарса, ҳеч нарса қолдиролмаган одам қасос гулханини қолдирмоғи мумкин. «Тўмариснинг айтгани» бунга далилдир:

Набирам, сенга ҳам етади бу хун,
Асли йўқ нарсани сўрамам сендан.
Рақиб дуч келганда, йиғламай маҳзун,
Қон юқи ҳанжаринг сурғургин қиндан!

Фаолиятсизликка маҳкум этилган, бошлари эгилган, қисиниб-қимтинган аёллар орасида шеърият «мен»и қасоскор аёл бўлиб кўринади. Дардини яширмоққа бошқа жой тополмай, уни кўзига яшириб қўйган аёл дийдаси тош бўлмоққа, ошкор йиғламасликка маҳкум. Йиғласа, кўзларидан ёш тўкилгайдир. Аёлнинг қасоси — буюк қасос, ибратли қасосдир. Шу важдан у ўз даъваткорлик кучини ҳис этиб, ҳайқиради! «Яшадим — бир қадам олдинга чорлаб Дунёнинг қимтинган аёлларини...».

Қимтинган аёллар юрти аёлнинг, хусусан, онанинг эргаштирувчанлик қудратига муҳтождир. Ота йўл бошлай олмаган ерда халқ ўз онасининг ортидан кетгусидир:

Бир қадам олддаги — қасоскор аёл,
Ўз онаси билан кетар жами халқ...

Ушбу талқинларимда баъзан мисралар мени ўз ғоясига бўйсундирди, баъзан мен мисраларни ўз ғоямга бўйсундирдим...

Ҳали ўзбек онасининг дунёдан ҳаққи кўп. Ҳали чексиз жаҳолат, фитналар, ўлимлар, зулмлар, ёлғонлар, бўхтонлар, найранглар бу юртни, бу миллатни адо қилгани йўқ. Ҳали тўғрасида онгли инсонят бор. Ҳали асорат инсонларни жасоратга чорлайди:

Энг камида Темур бўлар энди бу юрт эркаги,
Энди Тўмарис бўлади хотинларин энг ками...

Ўзбекистон онаси бу сўзларни «кўнглида кўнглининг минг синиғи» билан бўзлаб айтаётир. Унинг ҳолати шоирага кўчаётир:

Мен шундай, ҳа, сингганда ҳам куйловчи найман.
Чинаками ер шоири бўларман энди.

Шоирлар ҳам парвознинг энг олий нуқталаридан пастга тушдилар. Ер ғамлари, юрт ғамлари, миллат дардлари уларнинг иқтидорини фидойиликка сўраётир. Ижтимоий фаолият даври кечмоқда...

Ўртада гулхан ёнур.

Бу алғов-далғов замон ичра хаёлим ўша сокин лаҳзаларга учади.

Юракни чўғлатиб, кўзларни ўқлатиб, улуғ аждодларни йўқлатиб ўртада гулхан ёнур. Ўртада гулхан ёнур асрий зулматни сескантириб, тисларгириб: шеърият гулхани, ҳақиқат гулхани, эрку озодлик гулхани. Бу гулханга қалов бўлган юраклар ичра муқаддас аёл юраги ҳам бор!

Мирзо КЕНЖАБЕК.

СПОРТ

КУРАШ:

СОВРИНЛИ ЎРИН

● ШАРҚОНА курашнинг таэквандо тури бўйича беллашиш сир асрорларини пухта эгаллаган тошкентлик Ботир Мамедовнинг номини мухлислар ҳурмат билан тилга оладиган бўлиб қолишди. Боиси, курашчимиз халқаро майдонларда маҳорат кўрсатиб, кўпчиликнинг эътиборини қозонмоқда. Лондонда ўтказилган Европа чемпионатида юксак натижага эришиб, ғолиблик супасига кўтарилган эди. Б. Мамедов куни кеча Канадада бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида ҳам қатнашди. СССР жамоасининг 5 нафар вакилидан бири ҳисобланган спортчимиз бу сафар бронза медали билан қаноатланди.

МЕРГАНЛИК:

МУНОСИБ ДАЪВОГАР

● ХАНДАҚ стендига отиш устаси тошкентлик Рустам Ямбўлатовнинг номи мухлисларга аён. У Москва олимпиадаси мусобақаларида кумуш медални қўлга киритган. Одатда мутахассислар мерганлик маҳоратини ошираётган спортчиларни айни 30 ёшида «қиёмига» етади деб, ҳисоблашади. Рустам эса 40 баҳорни кўрганига қарамай, бўлажак олимпиада ўйинларига даъвогарлардан ҳисобланган Урмас Саалисте билан тенгма-тенг баҳслашди. Уч кун давом этган ўзаро кураш вакилимизнинг ғалабаси билан якунланди. Шундай қилиб Таллинда ўтказилган халқаро миқёсдаги мусобақада Р. Ямбўлатов олимпиада мусобақаларига арзигулик номзод эканлигини яна бир карра намойиш этди. Унинг ҳамшаҳарлари А. Лаптев тўртинчи ўринни эгаллаган бўлса, доира стендига отиш бўйича С. Игнатьев бронза медали олди.

ЧИМ ХОККЕЙ:

ЧАВГОН ЎЙНАТИБ

● ЭРКАКЛАР олий лига командалари мамлакат чемпионатининг учрашувларини кўтаринки руҳда ўтказишга ҳаракат қилишмоқда. Жамоалар ҳар бир ўйинда қимматли очколар тўплаб, мавқеларини мустаҳкамлаш ҳаракатида. Андижоннинг «Звезда» жамоаси хоккейчилари ҳам бўш келишмаяпти. Тўғри, улар дастлабки икки учрашувда имкониятни бой беришди. Олмаота динамочиларининг Европа чемпионатида иштироки муносабати билан «Звезда»нинг учрашуви кечиктирилди. Андижонликлар Разданнинг «Ацагорц» хоккейчиларини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратдилар.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

И. ОХУНБОБОЕВ НОМЛИ ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

Қуйидаги ихтисослар бўйича 1991 ИЙЛ УЧУН

АСПИРАНТУРАГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН АЖРАЛГАН ҲОЛДА:

— юқори молекуляр бирикмалар кимёси;
— машинашунослик ва машина деталлари;
— тўқимачилик саноати машиналари ва агрегатлари;
— кимёвий толалар технологияси;
— материалшунослик (тўқимачилик);
— тўқимачилик хом ашёси (пахта, ипак, каноп)га бирламчи ишлов бериш;
— тўқимачилик материаллари технологияси (ип йигириш, тўқувчилик, трикотаж);
— иқтисод, халқ хўжалигини режалаштириш ва бошқаришни ташкил қилиш;

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН АЖРАЛМАГАН ҲОЛДА:

— юқори малекуляр бирикмалар кимёси;
— тўқимачилик саноати машиналари ва агрегатлари;
— кимёвий толалар технологияси;
— тўқимачилик хом ашёси (пахта, ипак, каноп)га бирламчи ишлов бериш;
— тўқимачилик материаллари технологияси (ип йигириш, тўқувчилик, трикотаж);
— материалшунослик (тўқимачилик);
— иқтисод, халқ хўжалигини режалаштириш ва бошқаришни ташкил қилиш;

АСПИРАНТУРАГА ҲУЖЖАТЛАР ИККИ ДАВРАДА: 1991 йилнинг май, октябрь ойларида қабул қилинади.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700100, Тошкент шаҳри, ГСП, Горбунов кўчаси, 5-уй, аспирантура бўлими. Телефон: 53-66-34.

ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимининг

Г. С. ЗАЙЦЕВ НОМИДАГИ БУТУНИТТИФОҚ ҒЎЗА СЕЛЕКЦИЯСИ ВА УРУҒЧИЛИГИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИЛМГОҲИ

ғўза уруғчилиги лабораториясининг мудири (фан доктори ёки номзоди).

БУШ ЛАВОЗИМИГА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 10 кун мобайнида қуйидаги манзилга юборилсин: 702147, Тошкент вилояти, Оржаникидзе райони, «Солар» алоқа бўлими

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«СРЕДАЗХИМСТРОЙМОНТАЖ ТАЪМИРЛАШ-ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ҚИЛИШ ТРЕСТИ

ТУГАТИЛДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қуйидаги манзилда қабул қилинади: 700060, Тошкент шаҳри, Лоҳутий кўчаси, 42-уй.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 18/V да **Пиковая дама**, 21/V да **Риголетто**, 22/V да **Оққуш кўли**, 23/V да **Алишер Навоий**.

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши ишлар бошқармасининг тиббий санитария бирлашмасига қарашли Тошкент шаҳар Почта кўчаси, 40-уйдаги Марказий клиник шифохонаси жамоаси маъмурий хўжалик ишлари бўйича бош врач ўринбосари Ш. Ш. Шотурсуновга онаси

Мантуба ШОТУРСУНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси Тарғибот маркази жамоаси марказнинг бош ҳисобчиси Х. Қаландаровга онаси

Жумагул ИСКАНДАР қизининг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Қомуслар Бош таҳририяти жамоаси илмий услубиёт таҳририятининг катта илмий муҳаррири Н. Рўзамуҳамедовага онаси

Муборак РУЗАМУҲАМЕДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

• Ўзбекистон ва жаҳон

ДЎСТ ҲИНД ДИЁРИДА

● Қўшни ва дўст Ҳиндистон диёрида бир неча кундан буён давом этиб келаётган Ўзбекистон маданияти кунлари ниҳоясига етди.

Ўзбек халқининг бобокалон шоири ва мутафаккири Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан Ҳиндистон — Ўзбекистон ва Ўзбекистон — Ҳиндистон дўстлик жамиятларининг ташаббуси билан ташкил этилган бу тадбирларда қатнашмоқ учун серқуёш ўлкамиздан бир қатор етук санъаткорлар, халқ усталари, маданият ходимлари етиб бордилар. Вакилларимиз орасида «Мақомчилар» ва «Тановар» ансамблари санъаткорлари бор. Улар орасида Ўзбекистон халқ ҳофизи Ҳасан Расеваев ижро этадиган чет тиллар педагогика институти ўқитувчиси Дилобар Жалолова ва Тошкент давлат консерваторияси мураббийси Зиёдулла Насруллаев ҳам ўзларининг муносиб маҳорати билан маданият кунларига файз киритишмоқда.

● 1991 йил — Алишер Навоий йили

Бу маданий тадбирларда қатнашиш учун «Усто» халқ ҳунармандчилик бирлашмасининг моҳир усталари Анвар Илҳомов ва Абдурашид Раҳимжабий, жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Ҳадя Юсупова, моҳир қўшиқчилар Маҳмуджон Тожибоев, Ҳуррият Исроилова, Маҳбуба Ҳасанова ва бошқалар бор. Бундан ташқари ҳинд қўшиқларини ўрганилади. Бу қадимий мамлакатнинг олимлари, тарихчилари, адабиётшунослари, санъатшунослари XIV аср халқларининг маданиятини ўрганишда Алишер Навоийнинг ижодига мурожаат этадилар. Ҳиндистоннинг Деҳли ва Агра шаҳарларида бир неча кун мобайнида Алишер Навоий таваллудига бағишланган адабиёт ва санъат оқшомлари ўзига хос маданий тадбирлардан бирига айланмоқда. Ҳамма жойда Навоий ғазаллари билан басталанган нодир қўшиқлар янграмоқда. Шунингдек, мутафаккир таваллуди билан боғлиқ тайёргарлик ва унинг нашр этилган асарлари ҳамда шоир номига қўйилган жойларни акс эттирувчи фотосуратлар кўргазмаси бу тадбирларда намойиш этиляпти.

Шу муносабат билан Ўзбекистон—Ҳиндистон дўстлик жамияти масъул котиби Баҳром Қосимов мухбиримизга қуйидагиларни билдирди.

— Буюк аллома Алишер Навоийнинг 550 йиллик таваллуди тадбирларини ўтказиш юзасидан бир неча тадбирларни мўлжаллаганмиз. Улардан бири Ҳиндистонда бўлиб ўтаётган маданиятимиз кунларидир. Уни ўтказиш учун ҳинд дўстларимиз ўз вақтида ҳозиржавоблик қилишди ва вакилларимизни бажонидил кутиб олишди. Алишер Навоийнинг ёрқин сиймосини улуғлашга бағишланган бу тадбирлар эртага Ҳиндистонда ниҳоясига етади.

Дўстлик жамияти ўз йўли билан бундай тадбирларни жаҳоннинг Туркия, Эрон, Афғонистон, Покистон, Хитой, АҚШ ҳамда араб мамлакатларида ҳам ўтказишга ҳозирлик кўрмоқда.

А. ПУЛАТОВ.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ҲАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 31-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва иктимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими— 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт—33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ одоб —32-54-29; фельетонлар—32-54-54-27; безатиш—32-57-22.
ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583. Буюртма № 5381.

№ 93. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП. Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12